N 47 (124) • 2007 йил 23 ноябрь

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

*Олий Мажлис*
*Қонунчилик палатасида*

## ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳаси ва «Солиқ кодексини амалга киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Мазкур қўмита раиси А.Аҳадов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар вакиллари, манфаатдор вазирликлар, идоралар, қўмиталар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, ишбилармонлар ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 9 ноябрда ўтган ялпи мажлисида Солиқ кодекси лойиҳасининг концепцияси маъқулланиб, биринчи ўқишда қабул қилинди.

Солиқ кодекси лойиҳаси солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи барча меъёр ва қоидаларни такомиллаштириш ва тизимлаштириш орқали ишлаб чиқилган ҳамда тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжатдир.

Таклиф этилаётган лойиҳа амалиётда синалган тамойилларга, солиққа тортиш ёндашувларига, бошқа давлатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланишга асосланган бўлиб, унда назарда тутилган меъёр ва қоидалар мамлакатимиз иқтисодиётининг келгуси ривожида солиқларнинг рағбатлантирувчи ролининг ошишига хизмат қилади.

Солиқ кодекси лойиҳаси республикамиз ҳудудида амал қилаётган барча солиқ ва мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилаш орқали солиқ муносабатларида ягона қонунчилик базасини яратиш ва бунинг асосида солиқ тизими барқарорлиги ва очиқлигини таъминлаш имконини бериши қайд этилди.

Лойиҳа хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкини камайтириш, қонуний равишда солиққа тортишдан бўйин товлашнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорликни, айниқса кичик бизнес субъектларининг ишини фаоллаштириш учун қулай имконият яратиши, амалиётда бетараф, адолатли ва ошкораликка қаратилганлиги билан ҳам эътиборга моликлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда Солиқ кодекси лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

***ЎзА.***



***9 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат МИРЗИЁЕВ, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.***

***Депутатлар 2008 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ кодекси лойиҳасининг концепциясини кўриб чиқдилар. Мазкур масалалар бўйича Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикасининг молия вазири Рустам АЗИМОВ маъруза қилди, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси Абдурафиқ АҲАДОВ қўшимча маъруза билан чиқди.***

## БЮДЖЕТ – 2008:

## ЭРТАНГИ ХАРАЖАТЛАР ЯНАДА МАҚБУЛЛАШТИРИЛДИ

***Парламентнинг қуйи палатаси 2008 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқди ва қабул қилди. Бюджетнинг ғазначилик ижроси тизимини жорий этиш билан боғлиқ бўлган бир муҳим хусусият эътиборни ўзига тортади: ундаги барча харажат ва даромадга оид «қайта тақсимлашлар» асосан аниқ манзиллилик, оқилоналик, соддалаштириш ва тартибга солиш масалалари билан асослаб берилган.***

***Депутатлар Ҳисоб палатасининг Давлат бюджети лойиҳаси республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ келади деган фикрига қўшилдилар. Бу эса, биринчи навбатда, бизнес учун янада қулай шароитлар яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги ўрнини камайтириш, солиқ сиёсатини эркинлаштириш, кишиларнинг фаровонлиги ва турмуш тарзини яхшилаш муаммоларини ҳал этиш демакдир.***

2008 йилда консолидацияланган бюджет даромадларини, давлат мақсадли жамғармаларини ҳисобга олмаганда, 7,1 трлн сўмдан ошиши кутилмоқда (ЯИМнинг прогноз қилинаётган ҳажмига нисбатан 20,9%), харажатлар эса қарийб 7,4 трлн сўмни ташкил этади (ЯИМ 21,9-22%и). Бюджетнинг режалаштирилган камомади[1] (ЯИМнинг −1%и) анъанавий тарзда − республика бюджетининг кассадаги мавжуд айланма пул ва бошқа ноинфляцион манбаларнинг зарур ҳажмидан ортиқча эркин қолдиқлари ҳисобидан қопланади, бироқ республикада бундай заруратюзага келади деб бўлмайди. Мисол учун, жорий йилнинг режалаштирилган бюджет камомади, Ҳисоб палатасининг маълумотларига кўра, якунда профицитга айланиши мумкин: ЯИМнинг −1%и ўрнига +0,7%.

2008 йилги бюджетда қуйидагиларнинг ўсиши белгиланган:

- ялпи ички маҳсулот (ҳозирги йилнинг прогноз кўрсаткичларига нисбатан 8%га);
- саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмлари (9,6%га);
- товарлар ва хизматлар экспорти (жорий йил кўрсаткичларига нисбатан 15%га);
- капитал қўйилмалар ҳажмлари (16%га);
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмлари (5%га);
- истеъмол нархлари индекси[2] (ўртача ойлик 0,5-0,6%).

**СОЛИҚЛАР. ИМТИЁЗЛАР**

Давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантиришда келгуси йилда ҳам солиқ сиёсати ҳал қилувчи ролни ўйнаши керак. Давлат, ўтган йилда бўлганидек, бир қатор солиқ ставкаларини пасайтириш натижасида бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини кенгайтиришга, иш ҳақини оширишга йўналтирилади деб мўлжалланмоқда.

Бунда бюджетнинг кутилаётган йўқотишлари миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш, иқтисодиётнинг ўсиши билан таъминланган солиқ тушумларининг кўпайиши, тўловлар тушмаслиги ҳажмларининг пасайиши, солиқлар йиғилишининг ошиши ва солиқ солинадиган базанинг бир қисмини «хуфия» сектордан чиқариш ҳисобидан компенсацияланади. Жорий йил бюджетининг кутилаётган ижроси кўрсаткичларини ставкаларни пасайтириш фонида келажак даромад қисмининг лойиҳаси билан қиёслаш амалда барча бандлар бўйича йиғимларнинг кўпайиши манзарасини беради: бевосита солиқлар − 9%га, билвосита солиқлар − 22,2%га, ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи − 18,3%га.

2008 йилнинг янгиликлари орасида:

1. Энг кам ставка бўйича солиқ солинадиган чегараларни кенгайтириш ҳисобига ***жисмоний шахслар даромадига солиқ босимининг камайиши.*** Солиқ солишнинг янги шкаласи қуйидагича бўлади деб тахмин қилиниқмоқда:

| *Жами даромад миқдори* | *Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкалари* |
|---|---|
| 6 ЭКИҲгача | 13% |
| 6 дан 10 ЭКИҲгача | 18% |
| 10 ЭКИҲдан юқори | 25% |

Бунда жисмоний шахслар даромадига ҳисоблаб ёзилган солиқ ҳисобидан ШЖБПҲга мажбурий бадалларни ўтказиш тартиби сақлаб қолинади.

***2. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси*** 10%дан 8%га **пасайтирилади.** Давлат бундай рағбатлантириш, бошқа нарсалар билан бир қаторда, ЯИМда

3-бетда

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 20 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1148,59 | 1 Малайзия ринггити | 382,79 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2650,69 | 1 Польша злотийси | 515,27 |
| 1 Дания кронаси | 252,19 | 1 СДР | 2035,61 |
| 1 БАА дирҳами | 349,80 | 1 Туркия лираси | 1076,51 |
| 1 АҚШ доллари | 1284,06 | 1 Швейцария франки | 1143,11 |
| 1 Миср фунти | 233,64 | 1 ЕВРО | 1878,71 |
| 1 Исландия кронаси | 21,29 | 10 Жанубий Корея вони | 14,03 |
| 1 Канада доллари | 1333,26 | 10 Япония иенаси | 116,18 |
| 1 Хитой юани | 173,00 | 1 Россия рубли | 52,44 |
| | | 1 Украина гривнаси | 254,27 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| *Мамлакат* | *Сана* | *АҚШ доллари* | | *Евро* | | *Россия рубли* | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *бирлиги* | *курси* | *бирлиги* | *курси* | *бирлиги* | *курси* |
| Озарбайжон | 21.11.2007 | 1 | 0,8477 | 1 | 1,2581 | 1 | 0,0348 |
| Арманистон | 21.11.2007 | 1 | 316,43 | 1 | 467,84 | 1 | 12,95 |
| Беларусь | 22.11.2007 | 1 | 2152,00 | 1 | 3185,28 | 1 | 88,42 |
| Грузия | 22.11.2007 | 1 | 1,6245 | 1 | 2,4038 | 1 | 0,0667 |
| Қозоғистон | 22.11.2007 | 1 | 120,48 | 1 | 178,29 | 1 | 4,95 |
| Латвия | 22.11.2007 | 1 | 0,473 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0195 |
| Литва | 22.11.2007 | 1 | 2,3313 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,5763 |
| Молдова | 21.11.2007 | 1 | 11,2907 | 1 | 16,6825 | 1 | 0,4632 |
| Тожикистон | 21.11.2007 | 1 | 3,452 | 1 | 5,0586 | 10 | 1,4129 |
| Ўзбекистон | 20.11.2007 | 1 | 1284,06 | 1 | 1878,71 | 1 | 52,44 |
| Украина | 21.11.2007 | 100 | 505,00 | 100 | 746,6425 | 10 | 2,0669 |
| Эстония | 21.11.2007 | 1 | 10,5656 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,433964 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

***2007 йил 20 ноябрь ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси***

| ***Банк номи*** | ***АҚШ доллари*** | | ***Евро*** | |
|---|---|---|---|---|
| | ***харид*** | ***сотиш*** | ***харид*** | ***сотиш*** |
| ЎзР ТИФ МБ | 1294,00 | 1296,00 | 1880,00 | 1900,00 |
| "Асака" банки | 1294,00 | 1296,00 | 1879,00 | 1884,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1293,00 | 1295,00 | 1880,00 | 1890,00 |
| "Пахтабанк" | 1293,00 | 1296,00 | 1890,00 | 1895,00 |
| "Халқ банк"и | 1293,00 | 1296,00 | 1879,00 | 1890,00 |
| "Ипотека-банк" | 1293,00 | 1295,00 | 1879,00 | 1885,00 |
| АБН АМРО банк НБ Ўзбекистон А.Ж. | 1290,00 | 1294,00 | 1889,00 | 1896,00 |
| "UzKDBбанк" | 1293,00 | 1296,00 | 1879,00 | 1907,00 |
| "Ғаллабанк" | 1294,00 | 1296,00 | 1879,00 | 1888,00 |
| "Трастбанк" | 1294,00 | 1296,00 | 1880,00 | 1890,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1293,00 | 1296,00 | 1891,00 | 1896,00 |
| "Алоқабанк" | 1294,00 | 1296,00 | 1879,50 | 1908,00 |
| "Ў-Т банк" | 1293,00 | 1296,00 | 1879,00 | 1902,00 |
| "Туронбанк" | 1294,00 | 1296,00 | 1875,00 | 1885,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1293,00 | 1296,00 | 1880,00 | 1905,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1294,00 | 1296,00 | 1893,25 | 1896,18 |
| "Микрокредитбанк" | 1294,00 | 1296,00 | 1893,00 | 1896,00 |
| "Туркистон" банк | 1293,00 | 1296,00 | 1879,00 | 1900,00 |
| "Даврбанк" | 1290,00 | 1294,00 | 1879,00 | 1889,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1293,00 | 1296,00 | 1879,00 | 1906,00 |
| "Капитал банк" | 1294,00 | 1296,00 | 1878,80 | 1906,00 |
| "Содерат банк" | 1293,00 | 1296,00 | 1829,00 | 1899,00 |
| "Ҳамкор банк" | 1293,00 | 1296,00 | 1838,00 | 1918,00 |
| "Универсалбанк" | 1293,00 | 1296,00 | 1891,00 | 1896,00 |
| "Парвинабанк" | 1293,00 | 1296,00 | 1880,00 | 1883,00 |
| "Равнақбанк" | 1293,00 | 1296,00 | 1880,00 | 1900,00 |

***«Банк ахборотномаси», 47-сон (602) 2007 йил 21 ноябрь.***



# ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ:

***БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ УЙДА ЮРИТИШ, ЯЪНИ БУХГАЛТЕРИЯ ФРИЛАНСИГА ҚАНДАЙ ҚАРАЙСИЗ? БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ БЎЙИЧА МЕҲНАТНИ АНА ШУ ТАРЗДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ЖИҲАТЛАРИ, СИЗНИНГЧА, НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?***

**• Депозитар компания бош бухгалтери Нилуфар Абдураҳимовна:**

– Умуман олганда, бу масалага ижобий қарайман. Бу нарса энг аввало аёл бухгалтерларга, айниқса бир ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга жуда қулай. Шу баҳонада улар ўз ишидан узоқ вақт йироқ бўлишдан, соғиниш дардидан халос бўлади. Кўпгина бухгалтерлар шу таҳлит ишлаётганликларини ҳам биламан.

Камчилигига келганда, ходимнинг бундай мавқеи корхоналарга жилла қулай эмас. Чунки унга зарур ҳужжатларни олиб бориш-олиб келиш учун яна битта одамни бириктириб қўйишга тўғри келади. Баъзи фирма раҳбарлари шундай қилмоқдалар ҳам. Лекин бундай бухгалтерларга одатда камроқ ҳақ тўлашади. Бухгалтерлар бундай ҳолатдан чиқиш учун одатда бирйўла бир неча корхона ишини олиб борадилар. Шу мақсадда ўз уйларидаги компьютерга «1С» дастурини ҳамда «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизимини ўрнатиб олишади, интернетга боғланишади.

Хусусий корхоналарга бундай бухгалтерлар кўпроқ ёқади. Чунки уларда баъзан алоҳида идора бўлмайди, бош бухгалтернинг ёнига бориб, бор ҳужжатларни унга топширишлари осонроқ. Бухгалтер эса ҳамма маълумотларни тезликда ойма-ой мослаб тўғрилаб беради. Бухгалтерга тўлиқ маош тўлаш имконига эга бўлмаган микрофирмалар учун ҳам шу иш маъқулроқ.

Бизникига ўхшаш йирикроқ, бухгалтериясида уч-тўрт ва ундан ҳам кўпроқ одам ишлайдиган ташкилотларда директор ходимлари ўз уйида ишлашига йўл қўя олмайди.

**• Енгил саноат соҳаси бошқаруви аппарати бош бухгалтери Гулнора Шарафовна:**

– Ўзим ҳеч қачон бундай қилмаганман. Аммо, айтайлик, иш вақтида ниманидир улгуролмай қолсак, ҳужжатларни уйга олиб кетиб ишни охирига етказамиз. Буни рисоладагидек, зарурат юзасидан қилинаётган иш деб қараш мумкин. Борди-ю бухгалтернинг уйида компьютер бўлса (эндиликда компьютерсиз хонадон кам), ташкилотдан ташқарида меҳнат қилишига монелик қилмаслик керак деб ҳисоблайман. Айниқса аёллар учун бундай шароитда ишлаш – ғирт мазза! Керакли дастурни, масалан «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизимини, «1С» ва шу сингари дастурларни ўрнатиб оласан-у, остона хатлаб эшикка чиқмай, ҳамма ишни уйингда қилаверасан.

Умуман бухгалтер меҳнати нормаланмайдиган меҳнатлар қаторига киради. Баъзан ишимиз «тиқилиб», кўпайиб кетади, баъзида холироқ вақтлар ҳам бўлади. Тўғри, йирик ташкилот ва компанияларда уйида ишлашга рухсат этмайдилар, лекин микрофирмаларда бемалол шундай қилиш мумкин. Кўпинча хусусий корхоналарда бухгалтерлар ишни уйларига олиб кетишади, чунки уларда ойига нари борса тўрт-бешта операция бўлади. Тажрибали бухгалтер учун бу арзимаган иш. Бухгалтерлар бир неча корхонада иш олиб бориш эпини қилишади.

Бошқа жиҳатдан қараганда, бундай ҳоллар кўпроқ маъмуриятга ноқулай. Чунки бирон-бир операцияни зудлик билан қилиш зарур бўлса, ўша ходимни қидириш, шахсий ишлари билан қаергадир кетган бўлса, топиш керак бўлади...

Шунга қарамай, ишни ўз уйларида олиб бораётган бухгалтерлар бор. Улар асосан пенсионерлардир. Катта амалий тажриба ва пухта билимга эга эканликлари сабабли пенсионер бухгалтерларнинг бозори чаққон. Солиқ инспекциясида икки-учталаб баланс ҳисоботларини кўтариб юрган танишларимни учратиб қоламан баъзан. Уларга офарин айтгинг келади. Демак, йиғинчоқ, пухта билимли кишилар бемалол бир неча ишнинг уддасидан чиқа олар эканлар.

**• Металл маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаси бухгалтери Н. бону:**

– Уй шароитида ишлаётган бухгалтерлар барибир корхонага боришади: тайёрлаган тўлов ҳужжатлари, ҳисоботлар ва шу сингариларни топширишлари керак-ку, ахир. Бундай мутахассислар иш билан унча банд бўлмаса керак деб ўйлайман. Шу сабабли бир неча фирмада иш олиб боришади. Барибир уларнинг тинчи йўқ, ҳали банкка, ҳали солиқ инспекциясига, ҳали фирма раҳбарининг ёнига боришлари керак...

**• Пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик ишлаб чиқариши корхонаси директорининг ўринбосари Баҳодир Эргашевич:**

– Шундай ҳоллар фақат кичик бизнес корхоналарида учраши мумкин. Шу боис касаначи бухгалтерларда ўриндошлик амалиёти тобора кенгроқ қулоч ёзмоқда. Хўжалик юритувчи йирик субъектларнинг бундай йўл тутиши даргумон: уларда тезкорлик билан ҳал этиш талаб қилинадиган масалалар кўп, шу сабабли компания раҳбарияти томонидан бухгалтерияга мурожаат ҳам кўпроқ бўлади.

**• Қўшма корхона бош бухгалтери Ольга Александровна:**

*– Фрилансга ижобий иш деб қарайман. Кооперативлар ҳаракати эндигина бошланган кезлари бир вақтнинг ўзида бир неча фирмада ишлаганман: ўшанда кечалари алламаҳалгача ўтиришга тўғри келарди.*

Бундай ишнинг яхши томони шундаки, аёл киши уйида ўз вақтини тўғри тақсимлаган ҳолда эркин ишлаши мумкин. Болали аёлларга ёки асосий маошига қўшимча равишда пул топиш истагидаги аёлларга, касаллик туфайли ҳаракатланиши чекланган ёки оиласининг бемор аъзосига қараб туришга мажбур кишиларга бундай ишлаш жуда қўл келади.

Сир эмаски, ишда хотин-қизларнинг аксарият вақти беҳуда ўтади – гап сотиш-у, телефонга ёпишиб олиш билан ўтади, компьютерда интернет саҳифасини очиб, ошпазлик, пишириқларга оид ҳар хил рецептларни қидириш билан кунни кеч қиладилар. Уйда эса бухгалтер бевосита қўлидаги иш билан шуғулланади.



Чоғроқ компаниялар учун бухгалтернинг ўз уйида ишни бажариши маъқулроқ. Бухгалтер бу алфоздаги иш учун камроқ ҳақ олишга ҳам рози, негаки йўлга, овқатланишга харажат қилмайди. Раҳбариятга зарур бўлиб қолганда бухгалтерни ёки керакли ҳужжатларни вақтида топиб бўлмаслигини ишнинг салбий жиҳати деса бўлади. Умуман олганда, бу ишнинг яхши тарафи кўпроқ.

**• Аудитор хизматлари соҳаси бош бухгалтери Ольга Владимировна:**

– Уй шароитида ишлашни барибир қулай деб ҳисобламайман. Чунки одамни чалғитадиган жиҳатлари кўп бўлади. Бутун эътиборингни ишга жамлашинг керак, хаёлингда эса у ёки бу ишни қилишим, фалон нарсага улгуришим керак, деган фикрлар чарх ураверади. Уй ишларига уриниб кетсанг, бухгалтерияга оид ишларга вақтинг қолмайди. Бухгалтерия ҳисобини юритиш анчагина масъул иш, уй ташвишлари билан чарчаганингдан кейин ишингда сифат ҳам, унум ҳам кўнгилдагидек бўлмайди.

Шу сабабли бухгалтерия ҳисобини уйда юритишга қаршиман. Албатта идорада ишлаш керак. Негаки баъзан муайян ҳужжатларга қарашга ёки шошилинч тўловни амалга оширишга тўғри келади...

Балки кимгадир, айтайлик, эмизикли ёш боласи бор оналарга уйда ишлаш қулайроқдир. Улар шундай кезлари бошқача тарзда ишлашнинг иложи йўқ деб ўйласалар ҳам керак. Аммо уйда ишлаш учун квартира катта бўлиши лозим, алоҳида хона бўлса янада яхши. Шаҳар телефони туширилган, компьютер ҳам бор, бунинг устига унга «1С», «Банк – Мижоз» дастурлари, «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизими ўрнатилган, интернет тармоғига уланган бўлиши керак. Бошлиқлар билан қўнғироқлашиб туриш, электрон тўловлар ўтказиш ва шу сингарилар учун зарур бўлади булар. Аммо ҳаммада ҳам ҳозир бундай имконият бор деб бўлмайди. Ҳамонки шароит йўқ экан, яхшиси уйда ишламаслик лозим.

**• Улгуржи савдо соҳаси бош бухгалтери Галина Юрьевна:**

– Илгари мен ҳам уйда шундай ишлаб кўрганман. Очиғини айтганда, ҳафсалани пир қилар экан бундай ишлаш. Бошқа жиҳатдан олганда, бўш вақтинг кўп бўлади, ундан ўз билгингча фойдаланишинг, қандайдир ишларингни битириб олишинг мумкин.

Тўғрисини айтганда, бу кўпроқ одамнинг ўзига боғлиқ. Қолаверса, ишнинг усули ва шароитини тўғри танлашда ҳам гап кўп. Мен учун шахсан соат 9 дан соат 18 гача бўладиган иш куни мақбулроқ. Идорада ҳам ўз иш жойим бўлса дейман. Қоғозларни қўлга олишинг билан ёки компьютерни ёқиб ишга туширишинг билан ўзингни ишга шай ҳисоблайсан. Шунга одатланасан ҳам. Уйга қайтгач, ишингдан тамомила холи бўлиб дам оласан.

Компаниямизда меҳнат интизоми жуда қаттиқ. Шундай бўлса-да, уйинг билан боғлиқ бирон муаммо бўлса, раҳбариятдан жавоб сўрашинг, тобинг қочиб турган бўлса, касаллик варақасини олишинг мумкин. Уйда ишлаганингда эса буларнинг ҳаммаси – ишга доир масалалар ҳам, рўзғор ташвишлари ҳам айқаш-уйқаш бўлиб кетади.

**• Улгуржи савдо соҳаси бош бухгалтери Ирина Викторовна:**

– Бухгалтернинг ўз уйида ишлаши билан боғлиқ ҳолларни ижобий тарзда баҳолайман. Ўзим ҳам илгари шундай қилганман. Менга шундай ишлаш ёқарди – иш вақтим ўз эркимда, иш берувчини ҳам эркин танлаш мумкин эди. Фирмада иш ҳажми, ҳужжат айланиши кўп бўлмаса, шу йўл дуруст. Ҳужжатлар, турли тўловлар оқими катта бўлган йирик компанияларда эса мутахассиснинг ўз иш жойида муқим ўтириши талаб этилади.

**• Автоматлаштирилган бошқарув тизимларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш ва ишлаб чиқариш корхонаси директори Владимир Евгеньевич:**

– Ҳар қандай раҳбарга ҳам бундай аҳвол, яъни бухгалтерининг корхонада эмас, уйида ишлаши маъқул бўлмайди деб ўйлайман. Зотан, жорий молиявий масалаларни ҳал этиш, тўловларни амалга ошириш ва шу сингари ишлар учун бухгалтер ёнгинангда бўлишини хоҳлайсан киши. Бу гап катта фирмаларга тегишли. Кичик корхоналарни «хонаки» бухгалтер қаноатлантира олади. Чунки бундай корхоналарнинг тажрибали бухгалтерларга тўлиқ ва мўмайгина иш ҳақи тўлашга чоғлари келмайди. Ҳаёт тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, бухгалтерлар иш ҳақи етарли бўлмагач, бир неча микрофирма ишини бирйўла олиб боришга мажбур бўлмоқдалар. Истаган газетангизни очсангиз, бухгалтер ўриндошлик йўли билан ишлаш учун иш изламоқда қабилидаги бир неча эълонга кўзингиз тушади.

Такрор бўлса ҳам айтаман, йирик, нуфузли фирмаларда бухгалтер ёки бош бухгалтер ҳеч бўлмаганда, ярим кун ўз иш жойида бўлиши шарт. Акс ҳолда директор муайян маънода унга қарам бўлиб қолади: жорий, шошилинч масалаларни вақтида ҳал эта олмайди.

**• Аудиторлик компанияси директорининг ўринбосари Юлия:**

– Агар бу савол бир ҳафтача олдин берилганда, албатта ижобий қарайман деб жавоб берган бўлар эдим. Аммо энди вазият, фикрим ўзгарди – бундай иш усули менга мақбул эмас дейман. Чунки бухгалтер ишларнинг маромидан хабардор бўлиб туриши учун албатта ташкилотда ўтириши керак.

Аслида ўриндошлик йўли билан ишлашга эътирозим йўқ. Аммо бухгалтериянинг бундай ходими ҳафтада бир бор кўриниб, «1С» дастури бўйича тайёрлаган ҳужжатларини флэшкада олиб келиб, идорадаги компьютерга ўтказиш билан кифояланиб қолмаслиги керак деб ҳисоблайман. Муайян жадвал бўйича у шу ҳужжатлар билан боғлиқ ишларни охирига етказиши керак. У баъзи ваколатхоналар, чунончи бизнинг шуъба филиалимиз сингари ваколатхоналар учун дистанцион бухгалтерия ҳисобини юритиши мумкин, шундай бўлган тақдирда ҳам у корхонада бўлиши, муайян вақт мобайнида маълум ишни бажариши шарт. Зеро бугунги кунда бухгалтер шунчаки ҳисобчи эмас, балки солиқлар ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланишини назорат қилувчи, молиявий таҳлил асосларини эгаллаган мутахассисдир. Бундай мутахассис ташкилотдаги ўз иш жойида ўтирса, раҳбарият ҳам хотиржамроқ бўлади. Хуллас, «жонли» бухгалтер билан мулоқотда бўлиш дурустроқ.

Бу гапларнинг ҳаммаси ноутбук билан касаначи тарзида ишлаётган фрилансерга тегишли. Ўриндошлик йўли билан ишлаётган мутахассисга эса барибир корхонада бўлиб туришга тўғри келади.

**• Консалтинг фирмаси аудитори Вера Васильевна:**

– Ўз касби бўйича ишлай оладиган ва ишлашни истайдиган, аммо ҳар хил сабабларга кўра уйидан чиқиш имконияти бўлмаган ёки эркин иш жадвалида ишлашни ёқтирадиган аёллар учун бу жуда қулай, албатта. Идорада шошилинч бухгалтерия ҳужжатлари билан ишлай оладиган бирон киши бўлсагина бунга йўл қўйиш мумкин. Проводкадан тортиб балансгача бўлган бухгалтерия ҳисобини бухгалтер идорада ўтириб қилди нима-ю, ўз уйида қилди нима – фарқи йўқ. Кўпгина танишларим айнан шу тарзда бухгалтер бўлиб ишламоқдалар.

Иш, қаерда ишлашингдан қатъи назар, барибир ишдир. Агар одам ҳар қандай зарур ишини четга суриб қўйиб, уйда чой ичишга одатланган бўлса, идорада ҳам шундай қилаверади. Бундайлар бошлиқнинг назари остидагина ишлашлари мумкин. Ҳолбуки бухгалтерларда ички интизом бўлиши лозим. Чунки бухгалтерия одатда ишга совуққонлик билан қарайдиган, қўл учида ишлайдиганларни ёқтирмайди.

**• Қурилиш соҳаси бош бухгалтери Татьяна Авамильевна:**

– Фрилансга муносабатим яхши. Тўғри, компаниямизда бу нарса назарда тутилмаган. Бухгалтер, айниқса бош бухгалтер ҳамиша ўз иш жойида бўлиши лозим. Арзимаган нарсалар боис, айтайлик, ходимларнинг сени ишдан қолдиришлари, чалғитишларини айтмаса, бориш-келишларга вақт ва пул харжлашнинг ҳожати йўқ. Интернет ёрдамида ҳужжатларнинг электрон трансферини ташкил этиш, зарур одамлар билан телефон орқали гаплашиб қўя қолиш маъқулроқ. Бироқ телефон орқали мулоқотда ахборотни ёзма тарзда олиб бўлмагани чатоқ. Раҳбарлар билан жонли мулоқот, уларнинг қўллаб-қувватлаши ҳам ўз ўрнида қадрлидир.

***Ўтган ҳафта саволларига жавобларни Олег БУРЕНОВ ёзиб олди.***

## КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:

***БУХГАЛТЕРЛАР ИШ ИЗЛАЁТГАНЛАРИДА РЕЗЮМЕДА, СИЗНИНГЧА, ҚАЙСИ АСОСИЙ ФАЗИЛАТЛАРУ КЎНИКМАЛАРНИ АКС ЭТТИРИШЛАРИ ЛОЗИМ? БЎШ ИШ ЖОЙЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ЭЪЛОНЛАРДА УЛАР ЭНГ АВВАЛО ҚАЙСИ ЖИҲАТЛАРГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР ҚИЛИШАДИ?***

Жавобларингизни **144-44-45** факси ёки ***normapress@mail.ru*** электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.
*Газетхонларимизда энг катта қизиқиш уйғотган савол йўллаганликлари учун сўровимиз иштирокчилари таҳририятнинг махсус соврини билан тақдирланадилар.*
***Келгуси муҳокамалар учун саволларингизни юборишни ҳам унутманг.***

# БЮДЖЕТ – 2008:
# ЭРТАНГИ ХАРАЖАТЛАР ЯНАДА МАҚБУЛЛАШТИРИЛДИ

1-бетда

иқтисодиёт мазкур секторининг улушини 2010 йилда 50-52%гача етказади деб ҳисобламоқда.

***3. Тижорат банклари фойда солиғининг ставкаси*** 17% дан 15%га ***пасайтирилиб,*** бўшаган маблағлар уларни капиталлаштиришни кўпайтиришга мақсадли йўналтирилади. Бунда юридик шахсларнинг фойда солиғи бўйича, ҳатто ставкани мазкур пасайтириш ҳисобга олинганда ҳам, Ҳисоб палатасининг ҳисоб-китобларига кўра 2008 йилда маблағларни, жорий йилда олиниши керак бўлганидан 18,5% кўп йиғиб олиш тахмин қилинмоқда.

***4. Улгуржи савдо корхоналари учун*** (бундан улгуржи дорихона ташкилотлари мустасно) ***ягона солиқ тўлови ставкаларини бирхиллаштириш.*** Ягона ставка, савдо базаси айни қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, 5% миқдорида белгиланади. Молия вазирлиги мазкур чора солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириб, айни вақтда адолатли ҳамдир деб ҳисоблайди: агар чакана савдо шохобчалари ҳақиқатан ҳам ўз товарларини жойлашган жойларида сотсалар, улгуржи базалар фаолияти амалда уларнинг жойлашган жойига боғлиқ бўлмайди. Эслатиб ўтамиз, ҳозирги вақтда ставкалар[3] табақалаштирилган ва 100 минг киши ва ундан кўп аҳоли яшайдиган шаҳарлар учун 5%, бошқа аҳоли пунктлари учун 3%, бориш қийин бўлган ва тоғли туманлар учун 1%ни ташкил этади.

***5. Табиий газга акциз солиғи ставкаси*** 25%дан 20%га ***пасайтирилиб***, солиқ суммаси тўлиқ ҳажмда Давлат бюджетига ўтказилади. Давлатнинг фикрича, солиқ ставкасини пасайтириш ўзаро ҳисоб-китоблар интизомини мустаҳкамлаш ва солиқлар тўлиқ йиғилиши даражасини ошириш чоралари билан бир қаторда тармоқ корхоналарининг рентабеллик даражаси ўсишига олиб келади ва инвестиция дастурларини молиялашни таъминлайди.

***6. Алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларининг турлари бўйича акциз солиғи ставкаларини бирхиллаштириш.***

7. Импортчилар билан рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ***республикада чиқарилаётган мебель, биллур буюмлар, видео- ва аудиоаппаратурага акциз солиғини бекор қилиш.***

***8.*** Башарти у кейин республикадан ташқарига олиб чиқилса, ***«божхона ҳудудида қайта ишлаш» режимида олиб келинадиган хом ашёдан акцизли маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни акциз тўлашдан озод қилиш.*** Мутахассисларнинг таъкидлашларича, мазкур меъёр халқаро амалиётга мувофиқ келади, бундан ташқари, ишлар ва хизматлар қийматини пасайтириш ҳисобига олиб келинадиган хом ашёни қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш имконини беради.

***9. Акцизли товарлар ишлаб чиқарувчи ва фойдали қазилмаларни ундирувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарни солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимидан умумбелгиланган тизимга ўтказиш.*** Ушбу қадамни ҳукумат шаклланган халқаро тажриба ва мазкур соҳанинг барча корхоналарига тенг шароитлар яратиш хоҳиши билан асослайди.

***10. Тугатилаётган хўжаликлар базасида ташкил этилаётган ва илгари ушбу имтиёздан фойдаланган фермер хўжаликлари учун ягона ер солиғи бўйича имтиёзларни бекор қилиш.*** Таклиф қилинаётган чора, Молия вазирлиги ва ДСҚ мутахассисларининг фикрича, солиқ солишнинг биргина объектига имтиёзни қайта-қайта қўллаш амалиётини истисно этади ҳамда маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлайди. Ҳозирча ҳар йили ўртача 200 минг гектардан кўпроқ майдонли 7,3 минг фермерлик хўжалиги тугатилмоқда, улар базасида янгилари ташкил этилиб, улар ҳам ягона ер солиғини тўлашдан 2 йилга озод қилинмоқда.

***11. ТИФ иштирокчиси бўлган барча хўжалик юритувчи субъектлар учун, жисмоний шахслар учун ягона божхона тўловини бекор қилиш ва уларни юридик шахслар учун назарда тутилган божхона тўловларини тўлашга ўтказиш ҳисобига, божхона тўловларини тўлашнинг ягона тартибини белгилаш, шунингдек юридик шахслар учун олиб келинадиган ёғоч материаллари учун ҚҚСнинг ноль даражали ставкасини белгилаш.*** Ягона божхона тўлови ўз вақтида тўловлар ундирилишини соддалаштириш учун жорий этилган эди, бироқ амалда бунга имкон яратмади. Бундан ташқари, унинг ставкалари товарлар келиб чиққан мамлакатларидан қатъи назар, уларнинг баъзи бирлари билан тузилган энг кўп қулайлик яратиш режимлари тўғрисидаги ҳукумат келишувларини ҳисобга олмасдан қўлланган. ҚҚСнинг ноль даражали ставкасига келсак, мутахассислар мазкур тўловни юридик ва жисмоний шахслар учун бирхиллаштиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар: юридик шахслар, уларнинг фикрича, бу жиҳатдан олганда ҳозиргача камроқ фойда топар эдилар.

***12. Жаҳон нархларининг мақбул конъюнктурасидан келиб чиқиб, юқори даромадга солинадиган солиққа тортиладиган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш*** (яъни баъзи товарлар бўйича фойданинг бир қисмини ишлаб чиқарувчидан бюджетга қайта тақсимлаш). Ўзгариш «табиий ресурслардан ишлаб чиқариладиган юқори ликвидли ва ўта рентабелли маҳсулот», яъни цемент ва полиэтилен гранулаларига тааллуқли бўлади, республикада уларни ишлаб чиқариш рентабеллиги ўртача тегишинча 112% ва 85%ни ташкил этмоқда. Республикада юқори даромадга солиқнинг ўзи 2004 йил 1 июндан бошлаб Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқарилаётган катодли мисга жорий қилинган эди[4], айни шу мис фойданинг энг кўп қисмини беради. Таққослаш учун: республика ичидаги 4 асосий цемент ишлаб чиқарувчи ва Шўртан газ-кимё мажмуаси биргаликда, Ҳисоб палатасининг ҳисоб-китобларига кўра, келгуси йилда юқори даромадга солиқ бўйича тушумнинг кутилаётган ҳажмларига атиги 15% қўшади.

***13. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкасини*** 0,7%дан 1%га **ошириш.** Пенсия жамғармасининг пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун энг кам иш ҳақи миқдорини 7 дан 8 ЭКИҲга ошириш боис юзага келган қўшимча харажатларини молиялаштириш зарурати сабабли шу чора қўлланилади. Жамғарма камомади давлат бюджетидан салмоқли дотация ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар бир қисми ҳисобидан қопланади, шунингдек, Молия вазирлиги мутахассисларининг фикрича, пенсияга муддатидан олдин чиқиш бўйича ўз ижтимоий аҳамиятини йўқотган бир қатор имтиёзлар «йўқолади».

***Ягона ижтимоий тўловнинг амалдаги ставкасини келгуси йилда ҳам сақлаб қолиш кўзланмоқда, бироқ бунда солиқ солинадиган база кенгайтирилиб, у жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича базага тенглаштирилади***, бунда ҳам Пенсия жамғармасининг даромад қисмини кенгайтириш мақсади қўйилади.

***14. Бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмоли учун жисмоний шахслардан олинадиган амалдаги солиқ ставкаларини 1,25 бараварга босқичма-босқич индексациялаш*** (бир литр учун 80 сўмдан 100 сўмга етказиш).

***15. Автотранспорт тўхташ жойлари бўйича пулли хизматлар кўрсатадиган юридик шахслар учун ойлик йиғимни жорий этиш*** (маҳаллий бюджетларга).

***Мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмида билвосита солиқлар улушини*** жорий йилдаги 10,1% ўрнига ***10,5%га етказиш режалаштирилмоқда*** (давлат бюджетининг умумий даромадларида – 50,2%гача). Мазкур мақсадга бюджет даромадига ўтказиладиган табиий газга акциз солиғи ставкасини 18%дан 20%га ошириш[5], тамаки ва алкоголли маҳсулотларга акциз ставкаларини бирхиллаштириш, бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмоли учун жисмоний шахслардан олинадиган солиқни кўпайтириш ҳисобига эришиш режалаштирилмоқда.

***Ресурс тўловлари улушини жорий йил даражасида – ЯИМ 3,6%и – сақлаб қолиш*** ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини 1,2 баравар индексациялаш имконини беради.

## ИЖТИМОИЙ СОҲА. ТУРМУШ ДАРАЖАСИ

***2008 йилда ижтимоий соҳага*** Давлат бюджети харажат қисмининг ***53,7%и йўналтирилади (ЯИМ 11,8%и).*** Бунда маорифга харажатлар улуши жорий йил билан қиёслаганда ЯИМ 6,4%идан 6,9%ига; соғлиқни сақлашда – ЯИМнинг 2,4%идан 2,5%ига; ижтимоий нафақаларни тўлашда – ЯИМнинг 1,3%идан 1,7%ига кўпаяди.

Бироқ соҳага харажатларни шунчаки кўпайтириш назарда тутилмаяпти. Кадрларни рағбатлантириш мақсадида бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини мўлжаллanганидек 1,38 баравар оширишдан[6] (пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар билан бир қаторда) ташқари, келгуси йилдан ягона тариф сеткасидан халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тармоқларида жорий этилаётганларига ўхшаб, меҳнатга ҳақ тўлашнинг тармоқ тизимларига босқичма-босқич ўтиш бошланади. 2008 йилда бюджетни режалаштириш ва молиялаштиришни такомиллаштириш фан ва маданият муассасаларига тааллуқли бўлади, коллежлар, лицейлар ва олий ўқув юртларида давом этади ҳамда Тошкент ва бир қатор вилоятлар поликлиникаларида якунланади.

***Маҳалла қўмиталари*** 2008 йилда бюджет ташкилотларида ишлаётган оналарга, уларнинг ҳақиқий моддий ва оилавий аҳволидан келиб чиқиб, ойлик «бола учун» нафақаларни тайинлашнинг янги тартибини ўзлаштирадилар, бу эса, Молия вазирлигининг фикрича, ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг аниқ манзилли бўлишини кучайтириши керак.

## ИНВЕСТИЦИЯЛАР

***Иқтисодиётни ривожлантиришга давлат ЯИМнинг 2,7%ини*** (бюджет харажат қисмининг 12,5%ини) ***ажратишни режалаштирмоқда,*** бу эса жорий йилдагига қараганда ЯИМ 0,3%ига кўпдир. Бунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилади.

75 млрд сўм Президентнинг ташаббуси билан ерлар сифатини мелиоратив яхшилаш тадбирларини молиялаштиришга сарфланади (асосан – 60 млрд сўм – мелиоратив техника қурилиши, реконструкцияси ва модернизация қилинишига кетади), бу эса ана шу мақсадлар учун ўтган йилларнинг йиллик сарфларидан 4,5 баравар кўпдир! Ана шу мақсадлар учун Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этиладиган махсус жамғарма мазкур маблағларни оқилона тасарруф этиши керак бўлади. Бундан ташқари, келгуси йилда унумдорлиги паст ерларда пахта етиштирадиган фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш режалаштирилган.

***Бюджетдан молияланадиган марказлаштирилган инвестициялар ҳажми тахминан ЯИМнинг 1,8%ини ташкил қилади*** (жорий йилдагига қараганда 0,1% кўп); бунда таълим объектларини қуришга 382,4 млрд сўм; қишлоқ аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш ва минтақалараро сув йўлларини қуришга 21,9 млрд сўм; қишлоқ врачлик пунктларини қуришга 14,6 млрд сўм; бошқа мақсадлар ва объектларга 176,1 млрд сўм резерв қилинган.

## БОШҚА ХАРАЖАТЛАР

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 65 млрд сўм дотация олади, бу маблағ миқдори кўпайган пенсияларни узлуксиз тўлаш учун зарур. 3 млрд сўм ННТ, ноҳукумат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари учун грантларга сарфланади. Суд ҳокимияти органларини сақлаб туриш бюджетга тахминан 185,5 млрд сўмга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини тутиб туриш эса 56,7 млрд сўмга тушади.

Маданият ва спорт муассасаларини ушлаб туриш ва ривожлантиришнинг аввалги салмоғи сақланади, бунда таклиф қилинаётган параметрларда ўзбек спортчиларининг келгуси йили Пекинда ўтказиладиган ёзги XXIX Олимпия ўйинларида иштирок этиш харажатлари ҳисобга олинган.

Давлат мақсадли жамғармалари – бюджетдан ташқари Пенсия, Республика йўл, Бандликка кўмаклашиш жамғармалари ҳамда Давлат мулки қўмитаси махсус ҳисобварағининг харажатлари жамликда жорий йилнинг прогноз параметрлари билан қиёслаганда 28%га ўсади. Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси ҳам тахминан 95 млрд сўм кўп сарфлайди (2007 йилнинг кутилаётган кўрсаткичларига +19,3%).

***Юлия ЯШИНА,***
***махсус мухбир.***

---

*[1] Халқаро меъёрлар бўйича ЯИМга нисбатан тахминан 3% камомад ва 3% профицит бўлишига йўл қўйилади. Агар камомад катта ҳажмларга етса, бюджет барқарор эмас деб ҳисобланади.*

*[2] «Бозор тўрваси» нархи, яъни истеъмол товарлари бозор тўплами қийматининг ўзгариш динамикасини кўрсатувчи индекс.*

*[3] Президентнинг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-532-сон қарорига 24-илова. Фақат Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирадиган республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари бундан мустасно. Улар учун Президентнинг 2006 йил 8 июндаги «Ихтисослаштирилган улгуржи база-конторaларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» ПҚ-374-сон қарори амал қилади.*

*[4] Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 июндаги «Саноатнинг кон қазиш тармоқлари айрим корхоналарининг юқори даромадига солиқ солиш тўғрисида» 252-сон қарори.*

*[5] Жами ставкани 25% дан 20%га пасайтириш билан бир вақтда.*

*[6] 2007-2009 йилларда бюджет ташкилотларидаги иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий йўналишдаги бошқа тўловларни 2,5 баравар кўпайтириш режалаштирилмоқда.*


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ**

**ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАВИЙ! ИШОНЧЛИ!**

- хўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низони бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда кўриб чиқилиши);
- муҳокаманинг кам чиқимлилиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг кам чиқимлари);
- судьяларнинг касб маҳорати (судьяни сайлаш энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан тарафлар томонидан амалга оширилади);
- мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўриб чиқиш имконияти);
- Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори мазмунига шикоят қилиш мумкин эмас);
- Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан кафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди**
**Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй**
**Телефон: (+998-71) 1394329, факс: (+998-71) 1320903**
**web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz**


## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг **2007 йил 25 октябрдаги 905-аф-сонли** буйруғига асосан «МЕРОС-аудит» масъулияти чекланган жамиятига 2001 йил 24 июлда берилган 00115-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 25 октябридан тугатилди.

***С.БЕКЕНОВ,***
***молия вазири ўринбосари.***




# ТРАНСПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ: ХИЗМАТЛАР ВА ҲУЖЖАТЛАР

***Ташқи савдо фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири – транспорт операцияларидир. Улар қиймати товарнинг контракт нархига сезиларли таъсир қилади. Ҳатто сифати юқори бўлса-да, транспорт операцияларини режалаштириш ва ташкил этишда нуқсонлар мавжуд бўлса, ТИФ иштирокчиларининг товарни хорижда фойда олган ҳолда сотиш ёки ўз эҳтиёжлари учун харид қилиш бўйича саъй-ҳаракатлари зое бўлиши мумкин. Буни айниқса мамлакатимиз бизнесменлари ҳисобга олиши муҳим, чунки уларнинг кўп ҳамкорлари (Европа, Осиё, Осиё-Тинч океан минтақаси мамлакатлари, МДҲ Европа қисмида) Ўзбекистон чегараларидан бир неча минг километр олисда жойлашганлар.***

Ташқи савдо юкларини етказиб беришни экспортчи, импортчи ёки транспорт-экспедиторлик компаниялари амалга оширишлари мумкин. Ушбу компанияларнинг хизматлари, транспорт операцияларидан ташқари, кўплаб бошқа операцияларни ҳам ўз ичига олади. Булар – транспортнинг бир туридан бошқасига қайта юклаш; кейин ташиш учун юклашни кутиб омборда вақтинча сақлаш; юкни навларга ажратиш ва саралаш, қайта ўраб-жойлаш; божхона таомиллари бўйича хизматлар; суғурта; фрахт тўловлари, тарифлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш; юк ҳаракатини кузатиш, ахборий таъминот ва ҳоказолар.

Мамлакатимизда транспорт-экспедиторлик компаниялари сони йил сайин ўсмоқда. Улар уюшмаларга бирлашганлар, уларнинг фаолияти ваколатли ташкилотлар томонидан лицензияланган. Бундай ташкилотни топиш анча осон. Ҳамкасблардан маслаҳат сўраш, Савдо-саноат палатасига бориш, Ўзбекистон манзилли маълумотномаларини кўздан кечириш, интернетдан қараш мумкин. Бироқ бунда транспорт-экспедиторлик компаниясини танлаш, шубҳасиз, юк тури ва миқдорига, ташиш усули ва масофасига, унинг ўраб-жойланиши (масалан, контейнерда), етказиб бериш муддатига, шунингдек талаб қилинаётган хизматлар ҳажми ёки пакетининг қиймати, шу жумладан юк суғуртасига боғлиқ бўлади. Энг маъқул объектни танлаш учун ТИФ иштирокчисининг бир неча транспорт-экспедиторлик компаниясидан зарур хизматлар нархини сўраб билгани ва унинг талабларини мақбул нархда сифатли бажарадиган компанияни танлагани афзалроқдир.

Мавжуд амалиётга кўра транспорт компаниясининг хизматлари учун ҳақ халқаро ташишлар тарифлари асосида, шунингдек тегишли хизмат турлари бозорларида тахмин қилинаётган харажатлар ва конъюнктурани ҳисобга олган ҳолда, транспорт-экспедиторлик компанияси хизматлари учун ҳақ эса экспортчи топшириқларининг аниқ рўйхати ва тахмин қилинаётган харажатлардан келиб чиқиб, транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш шартномасига асосан шакллантирилади. Мисол учун, 2006 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистондан 20 футлик контейнерни темир йўлда Ригагача етказиб беришнинг тахминий харажати салкам 2 минг АҚШ долларини, Потигача – 1,5 минг, Бандар-Аббосгача – 1,7 минг, Бишкеккача 400 долларни ташкил қилди. Автомобилда ташишлар тарифи эса анча юқори: худди шунча сиғимдаги контейнерни Бандар-Аббосгача етказиш 2,5-3 минг, Бременгача (Клайпеда орқали) – 3,5-4 минг, Бишкеккача – 800 долларни ташкил этган.

Одатда халқаро амалиётда транспорт-экспедиторлик компаниялари томонидан ТИФ иштирокчиларига кўрсатиладиган хизматлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– транспорт воситалари тури, йўналиш ва рақобатбардош транспорт компаниясини танлаш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

– транспорт-экспедиторлик ҳужжатларини расмийлаштириш;

– омборлар, терминаллар, логистика марказлари, портлар, юк тушириш пунктларида юкларга ишлов бериш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

> ***1-маслаҳат***
> *Ташқи савдо контрактини тузишгача:*
> *Энг мақбул транспорт тури ва юк ташиш йўналишини, шунингдек юк етказиб беришнинг қиймати, тезлиги ва бошқа шартларини ҳисобга олган ҳолда энг рақобатбардош экспедиторлик компаниясини танланг.*
> *Кейинроқ контрактда акс эттириш учун етказиб беришнинг транспорт ва базис шартларини белгиланг ҳамда хорижий ҳамкор билан келишиб олинг.*
> *Ташиш харажатларини ҳисобланг ва уларни товарнинг контракт нархида акс эттиринг.*

– юк боришининг бутун йўналиши бўйича мониторинг;

– тўловлар, тарифлар, бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

– экспортчи-импортчига юк солиш учун контейнерларни бериш;

– ТИФ иштирокчисига транспорт идишини қайтариш;

– юкларни саралаш, юклаб-жойлаштириш, маркировкалаш, товарга илова қилинувчи ҳужжатларни тайёрлаш, бошқа транспорт-технологик хизматлар.

Шуни унутмаслик керакки, транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш шартномаси ва унга асосан транспорт-экспедиторлик компаниясининг ёзма топшириғи билан бирга экспортчи-импортчининг буюртманомаси транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Одатда бундай компания мижозга экспедиторлик тилхати, FBL айланмали мультимодал транспорт коносаменти (аралаш ташишларда), юкни ташишга экспедиторлик сертификатини бериши керак.

Транспорт компанияси – оператор номидан бериладиган асосий ҳужжатлар эса СМГС темир йўл юкхати, CMR халқаро автотранспорт юкхати ёки Airway bill авиаюкхати, Liner bill of eading денгиз коносаменти ҳисобланади.

Мижоз томонидан юк транспорт компаниясига берилишида инвойс (ҳисобварақ-фактура), транспорт-экспедиторлик компанияси томонидан берилганида эса экспедиторлик йўриқномаси (экспедитор топшириқлари билан), интермодал вазн гувоҳномаси, хавфли юкларни ташиш декларацияси бўлиши керак.

## ТРАНСПОРТ-ЭКСПЕДИТОРЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқаро юк савдо айланмасида транспорт ҳужжатларининг икки туридан фойдаланилади: а) қимматли қоғозлар хусусиятига эга эмаслари ва б) қимматли қоғозлар хусусиятига эга бўлганлари.

Биринчи турига юкхатлар (авиа-, денгиз, авто- ва темир йўл ташишлари), иккинчи турига коносамент (денгиз ва ички сув ташишлари), аралаш ташишга транспорт ҳужжати киради.

> ***3-маслаҳат***
> *Ташқи савдо контракти якунланганидан кейин қуйидагиларни амалга ошириш муҳим:*
> *– транспорт-экспедиторлик компанияси билан узил-кесил ҳисоб-китоб (асослар мавжуд бўлса – ўзаро ҳисоб-китоб) қилиш, транспортда ташиш жараёни иштирокчилари ўртасидаги низоли масалаларни (улар юзага келган тақдирда) тартибга солиш;*
> *– тегишли ҳужжатларни лозим даражада расмийлаштириб, белгиланган тартибда эътироз ва даъволарни тақдим этиш (зарурат бўлганда);*
> *– контрактнинг транспортга оид таркибий қисмини таҳлил қилиш, ундан зарур сабоқлар олиш ва келгусига хулосалар чиқариш.*

Халқаро транспорт контрактлари икки асосий мақсадни кўзлайди. Булар, биринчидан, товар йўқолган (нобуд бўлган) ёки унга зарар етказилган тақдирда ташувчининг товар жўнатувчи олдидаги жавобгарлигини белгилаш. Иккинчидан, товар ташилиши муносабати билан расмийлаштириладиган транспорт ҳужжатига нисбатан талабларни белгилаш. Шу сабабли ташқи савдо операцияларида фойдаланиладиган ҳужжатлар таркибига ҳужжатларнинг қуйидаги асосий гуруҳлари киритилади: товарга илова қилинувчи, тижорат, божхона ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар.

> ***2-маслаҳат***
> *Экспорт контрактини бажариш жараёнида қуйидаги таомилларни бажариш тавсия қилинади:*
> *– транспорт-экспедиторлик компанияси билан товар етказиб беришни ташкил этишга шартнома тузиш*;*
> *– юкни ўраб-жойлаштириш, маркировкалаш ва экспорт қилинадиган товарни ташишга тайёрлаш бўйича бошқа операцияларни бажариш;*
> *– юкнинг транспорт суғуртаси шартномасини расмийлаштириш ва суғурта полиси** олиш;*
> *– техник ва товарга илова қилинувчи ҳужжатларни тайёрлаш ва тўғри расмийлаштириш;*
> *– зарур божхона, санитария, ветеринария расмиятчиликларини бажариш, транспорт-экспедиторлик компанияси томонидан юк тўсиқсиз олиб чиқилиши/олиб кирилишини таъминлаш учун божхона юк декларацияси, сертификатларни расмийлаштириш;*
> *– мўлжалланган ташиш йўналиши бўйича юк ҳаракати мониторингини ташкил этиш.*

Бунда т***оварга илова қилинувчи ҳужжатларга*** қуйидагилар киритилади:

*1. Транспорт ҳужжатлари* – темир йўл юкхати (Railroad bill lading); халқаро автомобиль транспорти юкхати (International consignment note); халқаро ҳаво транспорти юкхати (Negotiable airway bill/Air consignment note); океан коносаменти; денгизда ташишни қоплайдиган коносамент; аралаш ташишларга коносамент; багаж квитанцияси ва б.

*2. Техник ҳужжатлар* – машина ва ускуналарнинг техник паспортлари; буюмларнинг формуляр ва тавсифлари; ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш, бошқариш ва таъмирлаш йўриқномалари ва б.

*3. Омбор ҳужжатлари* – пароходни юкдан бўшатиш бош далолатномаси; юк сақлашга қабул қилинганлиги тўғрисида док тилхати; варрант, юкхатлар, қабул қилиш далолатномалари ва б.

4. Бошқа товарга илова қилинувчи ҳужжатлар:

Товар сифати тўғрисида сертификат (Certificate of quality, Quality certificate, Accordance certificate) – ҳақиқатда етказиб берилган товар сифатини ва унинг шартнома шартларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган гувоҳнома. Сифат сертификатида товарга тавсиф берилади ёки товарнинг буюртманинг муайян стандартлари ёки техник шартларига мувофиқлиги тасдиқланади;

*Ўров варағи* (Packing list; Packing note) – бир юк жойига (яшик, қути, контейнер) кирадиган нарсалар рўйхати келтирилган ҳужжат. Ўров варағига ўраб-жойлаштирувчи имзо чекади ва аралаш ассортиментга эга бўлган ҳар бир юк жойига қўйилади. Ўров варағи зарарлар белгиланиши ва улар тўланиши чоғида ишлатилади;

*Бутлаш (комплектлаш) қайдномаси* – ҳар бир жойдаги нарсалар тавсифланган ҳолда, бир неча товар жойларида ўраб-жойлаштирилган яхлит машинанинг деталлари, узеллари, агрегатлари рўйхати келтирилган ҳужжат. Уни тайёрловчи корхона товарнинг бутун туркуми юклаб жўнатилгунга қадар тузади;

*Юклаб жўнатиш спецификацияси* – туркумга кирадиган товарларнинг барча турлари ва навлари рўйхатини ўз ичига оладиган ҳужжат, унда ҳар бир жой учун товарлар миқдори ва тури кўрсатилади. Унга кўра етказиб берилган товарнинг бутлиги ва сифати қабул қилинади;

*Суғурта полиси ва б.*

***Тижорат ҳужжатларига*** тижорат ҳисобварағи (bill, commercial account, *invoice), ҳисоб-китоб спецификацияси, вексель* ва бошқалар киради. ***Тижорат ҳисобварағи*** – асосий ҳисоб-китоб ҳужжати бўлиб, сотувчи томонидан харидор номига ёзилади ва товар етказиб берилиши, ишлар бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилиши ҳамда улар қийматини тасдиқлайди. Унда сотувчининг етказиб берилган товар учун унда кўрсатилган тегишли тўлов суммасини тўлаш тўғрисида харидорга талаби қайд этилади. Тижорат ҳисобварағида қуйидагилар кўрсатилади: товар бирлиги учун нарх ва ҳисобварақ (счёт) ёки тегишли тўловнинг умумий суммаси; товар етказиб беришнинг базис шартлари; тўлов усули ва ҳисоб-китоб шакли; тўлов амалга оширилиши керак бўлган банк номи; ташиш қиймати тўланганлиги (қачон ва ким томонидан тўланганлиги) тўғрисида маълумотлар; суғурта тўғрисида маълумотлар (ким томонидан тўланяпти) ва суғурта мукофоти миқдори.

Бажарадиган вазифаларига кўра тижорат ҳивобварақлари қуйидагиларга бўлинади:

– *ҳисобварақ-фактура* – сотувчи томонидан харидор номига ёзиладиган ҳамда товарнинг ҳақиқатда етказиб берилиши ва унинг қийматини тасдиқлайдиган ҳужжат;

– *ҳисобварақ-спецификация* – ҳисобварақ ва спецификация реквизитларини бирлаштирадиган тижорат ҳисобварағи. Одатда унда турлар ва навлар бўйича товар бирлиги учун нарх ҳамда товарнинг бутун туркуми умумий қиймати кўрсатилади. Туркумда ассортименти бўйича турлича товарлар бўлган ҳолларда ёзилади;

– *дастлабки ҳисобварақ* – товарлар қисмларга бўлиб етказиб берилганда ёки товарни харидор ҳузурига етиб келганда қабул қилинган ҳолларда ёзиладиган тижорат ҳисобварағи. Товар қабул қилинганидан ёки бутун туркум етказиб берилганидан кейин сотувчи томонидан ҳисобварақ-фактура ёзилади, унга кўра узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади;

– *проформа-ҳисобварақ* – товар туркумининг нархи ва қиймати тўғрисида маълумотлар келтирилган ҳужжат.

***Божхона ҳужжатларига*** қуйидагилар киради: божхона юк декларацияси (БЮД), божхона қиймати декларацияси (БҚД), божхона қийматини тузатиш (БҚТ), товарнинг келиб чиқиш сертификати, сақлашга топшириш далолатномаси.

***Бошқа ҳужжатларга*** ташувчи томонидан тайинланган пунктда юкни олувчига топшириш чоғида юкнинг камомади, бузилиши ёки шикастланганлиги далилини тасдиқлаш учун тузиладиган тижорат далолатномасини киритиш мумкин. Унда юкнинг сақланмаганлиги сабаблари, зарар миқдори ва хусусияти қайд этилади. Тижорат далолатномаси ташувчига унинг зарар етказилганлиги учун жавобгарлиги борасида даъволар билдириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

> **ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АСОСИЙ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИЛАР**
> *• «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиация компанияси.*
> *• «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси.*
> *Ўзбекистон экспорт юкларининг қарийб 90%и темир йўл транспортида, 10%и автомобиль ва 0,2%и авиация транспортида ташилади. Ҳозирги вақтда республикамиз учун энг муҳим транзит пунктлари ва портларига чиқадиган 6 транспорт йўлаги ғоятда аҳамиятлидир:*
> *– шимолий (Тошкент – Рига) – масофаси 4,0 минг км;*
> *– шимоли-ғарбий (Тошкент – Брест) – масофаси 4,25 минг км;*
> *– ғарбий ёки транскавказ (Тошкент – Оқтов – Поти) – масофаси 2,31 минг км;*
> *– жанубий (Тошкент-Бандар-Аббос) – масофаси 3,62 минг км;*
> *– жануби-шарқий (Тошкент – Лян-юн–ганг) – масофаси 4,55 минг км;*
> *– шарқий (Тошкент – Находка) – масофаси 8,7 минг км.*
> *Республика транспорт-экспедиторлик ва транспорт компанияларининг энг йирик бирлашмалари сирасида Ўзбекистон халқаро автомобилда ташувчилар уюшмаси ҳам бор.*

** Темир йўлда ташиш чоғида аввало вагонлар учун кодлар олиш зарур, бунинг учун ариза ва контракт тақдим этилади. Кейин вагонлар режасини олиш учун (бунинг учун: ариза, экспорт контракти нусхаси, темир йўлда ташишга ҳақ тўланганлиги тўғрисида ҳисобварақ-фактура ва ташилаётган юк тўғрисидаги маълумотлар келтирилган хат тақдим этилади) «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Ташиш ҳужжатларига ишлов бериш марказига мурожаат қилиш зарур.*

*** Юкларни суғурталаш шартлари ва суғурта пулини тўлаш нафақат юкнинг қимматлилигига, балки кўплаб омиллар: ташиш муддати, транспорт воситасидаги юк жойининг тури ва сиғими, ҳудуди бўйлаб йўналиш ўтган мамлакат, юкдан тушириш пунктлари сони ва ҳоказолар билан белгиланадиган умумий транспорт харажатларига ҳам боғлиқ бўлади.*

**P.S.** **ТИФ иштирокчилари контрактда қайд этилган юкни етказиб бериш бўйича мажбуриятларни тақсимлашга боғлиқ ҳолда, экспорт битимини тайёрлаш чоғида, амалга ошириш жараёнида ва у тугалланганидан кейин транспорт операциялари билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратишлари керак. Бунда товарларнинг экспорт-импорт чоғида ҳаракати ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши керак ва бу қоидани албатта контрактда назарда тутиш тавсия қилинади. Айрим ҳолларда ҳужжатларнинг борлиги корхоналарга имтиёзларни қўллаш имкониятини беради. Масалан, экспорт қилинаётган товарларни ташиш, юклаб жўнатиш, юкдан тушириш, қайтадан юклаш хизматлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.**

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида».

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР МВ, ИВ, ДСҚнинг «Дон нархлари ўртасидаги фарқни тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МАИМҚВ, МВнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3931-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР Давлат статистика қўмитасининг «1-(кичик бизнес) шакли бўйича микрофирма ва кичик корхона ҳисоботини тузиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори;

– ЎзР Давлат статистика қўмитасининг «Молиявий натижалар ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида ҳисоботни тузиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори;

– ЎзР МБ бошқаруви, МВнинг «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУД ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(КЎЧИРМА)**

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 45-сон, 451-модда)*

Ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида қабул қилинган суд қарорларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган суд ижрочилари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Департамент (кейинги ўринларда — Суд департаменти)нинг фаолиятини такомиллаштириш ва жавобгарлигини ошириш бўйича таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 31 августдаги 458-сонли қарорини ижро этиш юзасидан суд ижроси тизимини ташкилий ва тузилмавий жиҳатдан ўзгартириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар кўрилди.

Суд департаментининг ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилди, унинг таркибида ундирувларнинг турлари бўйича: хўжалик судлари; умумий юрисдикция судлари; солиқ, божхона ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш бўйича ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилди. Ички хавфсизлик инспекцияси, статистика ва таҳлил бўлими ташкил этилди, ҳудудий бўлинмалар тузилмасига тегишли ўзгартишлар киритилди.

Кадрлар захирасини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар кўрилди, суд ижрочиси лавозимига номзодларни танлов асосида саралаб олиш тартиби жорий этилди.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида суд ижрочиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари ташкил этилди.

Ушбу соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш мақсадида олий юридик таълим муассасалари ўқув дастурларига «Ижро иши юритуви» мустақил фани киритилди.

Ошкораликни таъминлаш, суиистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида хатланган автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни биржаларда очиқ кимошди савдолари орқали сотишнинг янги тартиби, ушбу мол-мулк сотувини амалга оширувчи баҳоловчиларни ва савдо ташкилотларини танлов асосида саралаб олиш механизми жорий қилинди.

Бироқ, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан Адлия вазирлиги ва Суд департаментининг фаолияти суд қарорларини ўз вақтида ва тўлиқ ижро этиш бўйи-

НОУТБУКИ, КОМПЬЮТЕРЫ ОРГТЕХНИКА T&T 171-00-57, 142-65-50 www.texnika.uz info@texnika.uz

ча белгиланган талабларга лозим даражада жавоб бермайди, ишни ташкил этишда жиддий камчиликлар мавжуд, ижро интизоми, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш устидан етарли назорат ўрнатилмаган, коррупция ва таъмагирлик ҳолатларига лозим даражада баҳо берилмаяпти.

Натижада жорий йилнинг 9 ойлик якунлари бўйича қолдиқ сифатида ижро ҳужжатларининг умумий суммаси 228,1 млрд сўмлик 246 минг (19,4%) донани, муддати бузилиб ижро қилинганлари эса — 238,4 дона ёки 24,6%ни ташкил этди.

Ижро ҳужжатлари бўйича маълумотлар базасини ташкил этиш ва юритиш учун мўлжалланган ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш жараёни кечиктирилмоқда, бу эса ушбу соҳадаги ҳисобга олиш ва назорат қилиш самарадорлигида намоён бўлмоқда.

Суд қарорларини ихтиёрий равишда ижро этишдан бўйин товлаган қарздорларни моддий жавобгарликка тортишнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли ихтиёрий равишда ижро қилиш кўрсаткичлари энг паст даражада бўлиб қолмоқда.

Суд ижрочилари бўлимларини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш қониқарсиз даражада бўлиб қолмоқда. Суд департаменти бўлинмаларининг 143 таси ёки 67 фоизи маъмурий бинолари капитал ва жорий таъмирлашга муҳтож, ҳудудий бўлинмаларнинг 16 таси ёки 7,5 фоиз маъмурий бинолари эса ижарага олинган биноларда жойлашган. Буларнинг барчаси суд қарорларини мажбурий ижро этиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Суд қарорларини сўзсиз ижро этишни таъминловчи таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш, суд ижрочилари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек Суд департаментининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сонли қарорида белгилаб қўйилган вазифаларни ижро этиш бўйича ишлари қониқарсиз деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура ва бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мажбурий ижро этиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий таҳлил қилсин ва икки ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мажбурий ижро этиш механизмини янада такомиллаштириш, шунингдек суд қарорларини ижро этишдан бўйин товлаш ва тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича қонун ҳужжати лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин;

ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таркибий тузилмалар фаолиятини самарали ташкил этиш устидан тизимли таҳлил ва назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган ҳолда Суд департаменти таркибида Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармасини тузсин;

Суд департаменти ходимлари ўртасида ташкилий-кадрлар ишларини тубдан яхшилаш, қонунийлик ва интизомни мустаҳкамлаш, профилактика ишларини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3. 2007 йил 1 декабрдан суд ижрочилари томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси бўйича ҳаракатларнинг бажарилиши учун ижро йиғими жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ижро йиғими қарздордан ихтиёрий ижро этиш муддати тугаганидан кейин қуйидаги миқдорларда ундирилади:

мулкий характердаги ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахсдан ундирилаётган сумманинг 1 фоизи миқдорида, юридик шахсдан 2 фоизи миқдорида;

номулкий характердаги ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида, юридик шахсдан 10 баравари миқдорида.

4. Белгилансинки:

бюджет ташкилотларидан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича;

даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича, шунингдек алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар бўйича ижро йиғими ундирилмайди.

5. Белгилаб қўйилсинки, ижро йиғими маблағлари Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига ўтказилади ва Суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, суд ижрочиларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш, шунингдек суд ижрочилари фаолиятини ва мажбурий ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади.

6. Қуйидагилар:

ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Суд департаментининг моддий-техника жиҳатидан базасини мустаҳкамлаш бўйича 2007-2010 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ;

Суд департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини (ЯАКТ) яратиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар дастури; Суд департаментида ахборотни йиғиш ва қайта ишлашнинг ташкилий-функционал схемаси; Суд департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини яратишга кетадиган прогноз харажатлари 3-5-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, кўрсатилган дастурларни амалга ошириш Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

7. Суд департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш учун олиб кириладиган жиҳозлар ва дастурий таъминот божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан 6-иловага* мувофиқ озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Абдуллаев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 1 ноябрь*
*ПҚ–722-сон.*

***2-6-иловалар «Норма маслаҳатчи»да чоп этилмайди. Унинг тўлиқ матни билан «Norma» АҲТда танишиш мумкин.***

*Ўзбекистон Республикаси*
*Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ–722-сон қарорига*
*1-ИЛОВА*

## ИЖРО ЙИҒИМИНИ УНДИРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом ижро йиғими маблағларини ундириш, ўтказиш ва фойдаланиш тартибини белгилаб беради.

2. Мазкур Низомда мулкий характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари дейилганда қарздор томонидан ундирувчига, давлат фойдасига ёхуд бошқа шахсга муайян пул маблағларини тўлашни назарда тутувчи суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатлари тушунилади.

Мулкий характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари дейилганда қарздорга муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатлари тушунилади.

### II. ИЖРО ЙИҒИМИНИ УНДИРИШ ТАРТИБИ

3. Суд ижрочиси томонидан ижро ҳужжатини мажбурий ижро этиш чоралари қўлланилганда қарздордан қуйидаги миқдорларда ижро йиғими ундирилади:

мулкий характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахсдан ундирилаётган сумманинг 1 фоизи миқдорида, юридик шахсдан 2 фоизи миқдорида (мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида мол-мулк ундирувчига топширилган тақдирда — ушбу мол-мулкнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда);

мулкий характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида, юридик шахсдан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида.

4. Ижро ҳужжатини ихтиёрий равишда ижро этиш муддати тугаганидан кейинги кунда суд ижрочиси томонидан чиқарилган қарор ижро йиғимини ундириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ алоҳида ижро иши юритуви қўзғатилмасдан мажбурий ижро этилиши лозим.

5. Ижро йиғими қарздордан ижро ҳужжатида кўрсатилган ундирув суммасига қўшимча равишда ундирилади. Бунда, ундирув:

мулкий характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича — қарздордан ундирилган пул суммаси ёхуд ундирувчига топширилган, қонунда белгиланган муддатда сотилмаган мол-мулк қийматига мутаносиб равишда;

мулкий характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича — мажбурий ижро этиш бўйича чоралар қўллашни бошлаш билан бир вақтда амалга оширилади.

Бир нечта талаблар (ижро ҳужжатлари) бўйича қарздордан ундириладиган ижро йиғимлари Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 80-моддасида белгиланган тартибда тегишли талабнинг қаноатлантириш навбатига кўра ундирилади. Бунда, мулкий характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича қарздордан ундириладиган ижро йиғимлари, шунингдек мулкий характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича қонунда белгиланган муддатда реализация қилинмаган мол-мулкни ундирувчига топшириш ҳолатлари биринчи навбатда қаноатлантириладиган талабларга тенглаштирилади. Мазкур хатбоши билан белгиланган қоидалар қарздорнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатларини белгилаш вақтида ҳам татбиқ этилади.

6. Ижро йиғими:

бюджет ташкилотларидан пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ундириш. Бунда, ташкилотнинг бюджет ташкилоти деб топилишини тасдиқловчи ҳужжат қарздор томонидан суд ижрочисига тақдим қилинадиган мазкур ташкилотнинг харажатлар сметасини рўйхатга олган тегишли молия органининг хати ҳисобланади;

даврий тўловларни (алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ва бошқа ишлар бўйича) ундириш бўйича.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 52 ва 69-моддаларига мувофиқ ижро йиғими ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган пул суммасидан, шунингдек мол-мулклардан ундирилмайди.

7. Ижро йиғими ундириш тўғрисидаги қарорларнинг ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

### III. ИЖРО ЙИҒИМИ МАБЛАҒЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

8. Ижро йиғимининг ундирилган маблағлари Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма)га ўтказилади.

Кўрсатиб ўтилган маблағларнинг, шунингдек суд ижрочилари томонидан ундириладиган жарималар, мол-мулкни сотиш ёки баҳолаш бўйича ўзининг шартномавий мажбуриятларини бажармаган (лозим даражада бажармаган) биржалар, баҳоловчилар, савдо ташкилотлари, бошқа шахслардан ундириладиган жарималар ва пеняларнинг келиб тушиши ва фойдаланилишини ҳисобга олиш Жамғарманинг бошқа манбаларидан алоҳида юритилади ҳамда қуйидаги мақсадларда ишлатилади:

Суд департаментининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

устамалар, мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмати учун қўшимча тўловлар тўлашга, Суд департаментининг қўшимча ходимларини сақлаб туриш;

Суд департаменти ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш;

кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

Суд департаментининг ижро иши юритувини ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

9. Суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш қуйидагиларни назарда тутади:

Суд департаменти, унинг ҳудудий бошқармалари ва суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг бино ва хоналарини қуриш, сотиб олиш, капитал ва жорий таъмирлаш;

уларни зарур инвентарлар, жиҳозлар, компьютер техникаси ва бошқа замонавий оргтехника ҳамда транспорт воситалари билан таъминлаш;

техника ва автотранспорт воситаларига хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш;

зарур адабиётлар ва босма нашрлар билан таъминлаш;

Суд департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини барпо этиш, уни модернизациялаш ва фойдаланиш бўйича харажатлар;

Суд департаменти тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича бошқа тадбирлар.

10. Маблағларни сарфлаш Жамғарма Кузатувчи кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Мақсадли дастурга мувофиқ амалга оширилади.

11. Мақсадли дастурга киритиш учун Жамғарма Кузатувчи кенгашига:

Суд департаменти ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан — ҳудудий бошқармалар ва тегишли ҳудуддаги суд ижрочилари бўлимларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш қисмига оид;

Суд департаменти директори томонидан — Суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича марказлашган чора-тадбирларни ўтказиш қисмига оид талабномалар берилади.

12. Мақсадли дастурга киритиш учун талабномалар Жамғарма Кузатувчи кенгаши томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

13. Жамғарма Кузатувчи кенгаши ҳар йили кейинги йилнинг 15 январига қадар келиб тушган талабномаларни кўриб чиқади ва киритилган таклифларни Мақсадли дастурга киритиш (ёки рад этиш) ҳақида қарор қабул қилади.

Талабномаларни кўриб чиқиш ва уларни Мақсадли дастурга киритиш ижро йиғими маблағларининг келиб тушиш прогнози асосида амалга оширилади.

14. Жамғарма Кузатувчи кенгаши ўзининг ҳар чораклик йиғилишларида Мақсадли дастурнинг бажарилишини мониторинг қилиб боради.

Мониторинг натижалари бўйича, шунингдек Суд департаменти ва ҳудудий бошқармаларнинг мурожаатларига мувофиқ Жамғарма Кузатувчи кенгаши тасдиқланган Мақсадли дастурга маблағларнинг мақбул равишда тақсимланишига ва кўзда тутилган тадбирларнинг тўлиқ бажарилишига қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

15. Суд департаменти ходимларини моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

### IV. ИЖРО ЙИҒИМИНИ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ

16. Жамғарма маблағлари ҳисобидан ижро йиғимини қайтариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

қарздорнинг аризасига асосан, асос сифатида ижро ҳужжати берилган суд қарори ёки бошқа орган қарорининг ёхуд қонун бўйича ижро ҳужжати ҳисобланадиган бошқа ҳужжатнинг бекор қилиниши;

қарздор ёки ундирувчининг аризасига асосан, асос сифатида ижро ҳужжати берилган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатларининг ўзгартирилиши, агар ушбу ўзгартириш натижасида тўланган ижро йиғими миқдорини қайтадан кўриб чиқиш лозим бўлса;

қарздор ёки ижро йиғими ундирилган бошқа шахснинг аризасига ёхуд суд ижрочисининг ташаббусига асосан, ижро йиғими миқдорини нотўғри ёки ортиқча ўтказилганлиги;

суд ҳужжатларига асосан қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда;

Ижро йиғимини қайтариш ҳақидаги ариза ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар юзага келганидан кейин уч йилдан кечиктирмасдан берилади.

17. Ундирилган ижро йиғими миқдорини қайтариш учун ижро йиғимини тўлаган шахс мажбурий ижро ҳаракати ким томонидан амалга оширилганидан келиб чиқиб, Суд департаментининг марказий аппаратига ёки тегишли ҳудудий бошқармага ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

суд қарори ёки бошқа орган қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги ҳужжатнинг тасдиқланган нусхаси — ижро йиғими мазкур Низом 16-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича қайтарилганда;

ижро йиғими миқдори нотўғри ёки ортиқча ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳисоб-китоб ҳужжати ёки бошқа ҳужжат — ижро йиғими мазкур Низом 16-бандининг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган асос бўйича қайтарилганда;

суднинг қонуний кучга кирган қарорининг тасдиқланган нусхаси — ижро йиғими мазкур Низомнинг 16-банди бешинчи хатбошисида назарда тутилган асослар бўйича қайтарилганда.

18. Ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги ариза Суд департаментининг тегишли ҳудудий бошқармаси ёки марказий аппарати томонидан кўриб чиқилади ва ариза берилган кундан эътиборан беш кунлик муддат ичида ижро йиғимини қайтариш ёки қайтаришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қабул қилинган қарор ҳақида ариза берувчини ёзма равишда хабардор қилади.

Ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан бошлаб узоғи билан икки кун ичида қайтариш учун Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига юборилади. Ижро йиғимини қайтариш Ижро этувчи дирекция томонидан қарор олинган кундан бошлаб беш банк куни давомида амалга оширилади.

19. Ижро йиғимини қайтариш ёки қайтаришни рад этиш тўғрисида қарор устидан белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш мумкин.

### V. ИЖРО ЙИҒИМИ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ

20. Ижро йиғими маблағларининг келиб тушиши ва сарфланишини ҳисобга олиш Жамғарма учун белгилаб қўйилган тартибда Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси томонидан олиб борилади.

21. Ижро йиғими маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

*Ўзбекистон Республикаси*
*Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ–722-сон қарорига*
*7-ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги 147-сон «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорнинг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 26-модда):

а) иккинчи банд қуйидаги таҳрирда баён қилинган



N 47 (124) • 2007 йил 23 ноябрь 8

саккизинчи—ўнинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«суд ижрочилари томонидан ундириладиган ижро йиғимлари маблағлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ–458-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-бандида назарда тутилган ҳолларда суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг депозит ҳисобига ўтказиладиган очиқ аукционда иштирок этиш учун киритилган закалатлар;

мол-мулкни сотиш ёки баҳолаш бўйича ўзининг шартномавий мажбуриятларини бажармаган (лозим даражада бажармаган) биржалар, баҳоловчилар, савдо ташкилотлари, бошқа шахслардан ундириладиган жарималар ва пенялар»;

б) қарорнинг 1-иловаси 2-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинган саккизинчи-ўнинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«суд ижрочилари томонидан ундириладиган ижро йиғимлари маблағлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ–458-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-бандида назарда тутилган ҳолларда суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг депозит ҳисобига ўтказиладиган очиқ аукционда иштирок этиш учун киритилган закалатлар;

мол-мулкни сотиш ёки баҳолаш бўйича ўзининг шартномавий мажбуриятларини бажармаган (лозим даражада бажармаган) биржалар, баҳоловчилар, савдо ташкилотлари, бошқа шахслардан ундириладиган жарималар ва пенялар»;

в) қарорнинг 1-иловаси 4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинган хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жамғармага келиб тушган ижро йиғимлари, суд ижрочилари томонидан ундирилган жарима суммалари, шунингдек биржалар, баҳоловчилар, савдо ташкилотлари ва ўзга шахслар томонидан мол-мулкни баҳолаш ёки сотишда зиммасига олинган шартнома мажбуриятларни бажармаганлик (лозим даражада бажармаганлик) учун жарима ва пенялар Суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, суд ижрочиларини моддий рағбатлантириш, шунингдек суд ижрочилари фаолиятини ва мажбурий ижро этиш тизимини такомиллаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш учун ишлатилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига 2-илованинг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 100-модда) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| *Т/р* | *Вазирликлар ва идораларнинг номи* | *Шакллантириш манбаи* | *Ажратмалар миқдори (фоизларда)* |
|---|---|---|---|
| 5. | Адлия муассасалари ва судларни ривожлантириш жамғармаси (Адлия вазирлиги, Олий суд, Олий хўжалик суди, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти) | Умумий юрисдикция судлари томонидан кўриладиган ишлар бўйича жарималар ва давлат божлари суммаси | 20 |
| | | Хўжалик судлари томонидан кўриладиган ишлар бўйича жарималар ва давлат божлари суммаси | 15 |
| | | Адлия органлари ва ФҲДЁ бўлимлари томонидан ундириладиган давлат божлари суммаси | 20 |
| | | Нотариуслар томонидан ундириладиган давлат божлари суммаси | 15 |
| | | Нодавлат нотижорат ташкилотлари, адвокатлик бюролари, фирмалари, ҳайъатлари, хусусий нотариал идоралар рўйхатдан ўтказилганлиги, нотариал ва адвокатлик фаолияти лицензияланганлиги, юридик кадрлар малака аттестациясидан ўтказилганлиги учун адлия органлари томонидан ундириладиган маблағлар ҳамда адлия органлари томонидан ундириладиган жарималар | 100 |
| | | Ижро этиш бўйича бюджетга ундирилган суммалар бундан, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар ундирилиши мустасно | 30 |
| | | Ваколатли органлар томонидан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушган, шунингдек солиқлар ва бюджетга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган қарзларни ундириш бўйича маблағлар | 10 |
| | | суд ижрочилари томонидан ундириладиган ижро йиғимлари маблағлари; | 100 |
| | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ–458-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-бандида назарда тутилган ҳолларда суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг депозит ҳисобига ўтказиладиган очиқ аукционда иштирок этиш учун киритилган закалатлар; | 100 |
| | | мол-мулкни сотиш ёки баҳолаш бўйича ўзининг шартномавий мажбуриятларини бажармаган (лозим даражада бажармаган) биржалар, баҳоловчилар, савдо ташкилотлари, бошқа шахслардан ундириладиган жарималар ва пенялар | 100 |

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ–458-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 2-иловаси (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 36-сон, 360-модда) мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларга иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

# БАНК ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ БАНК АЙЛАНМАСИГА ЖАЛБ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 45-сон, 454-модда)*

Қайд этиб ўтилсинки, мустақиллик йиллари мобайнида банк тизимини изчил ва аниқ мақсад йўлида ислоҳ қилиш банкларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролини кучайтиришга, уларнинг капиталлашув даражасини оширишга, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш кўламларини кенгайтиришга ҳамда кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини яхшилашга имконият яратди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмлари ошиб бормоқда, аҳолига, шу жумладан ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари бериш миқёслари тобора кенгаймоқда.

Ҳозирги вақтда тижорат банклари активлари ва жами капиталининг ҳажмлари 2000 йилга нисбатан тегишли равишда 7,6 ва 7,4 баравар кўпайди. Аҳолининг омонат қўйилмалари ҳажми 38 баравар, банк кассаларига нақд пул маблағларининг тушумлари — 8,1 баравар, иқтисодиётнинг реал секторига кредит қўйилмалари — 5 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, тижорат банклари ҳамон самарали инвестиция марказларига айлангани йўқ, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашда ўз капитали билан суст қатнашмоқда. Банкларнинг капиталлашув даражасини кескин ошириш, банк тизими барқарорлиги, ишончли пул муомаласи, банклар томонидан нақд маблағлар тўсиқсиз ва тўлиқ берилиши кафолатларини яратиш вазифалари долзарблигича қолмоқда.

Марказий банк ва тижорат банклари, солиқ органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан банкдан ташқари айланмани қисқартириш ҳамда нақд пулларни банк кассаларига жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар етарли даражада эмас.

Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, тижорат банкларининг рақобатдошлиги, молиявий барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш, банкдан ташқари айланмани камайтириш, жумладан озиқ-овқат (деҳқон) бозорларидаги нақд пулларни банк айланмасига жалб этиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Банклари уюшмаси ва тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

2007—2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури 1-иловага* мувофиқ;

Бўш пул маблағларини банк айланмасига янада жалб қилиш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг ўсишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар, тижорат банклари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларида назарда тутилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларда сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш бўйича ушбу чора-тадбирларнинг бажарилишини ҳар чоракда ўз мажлисларида кўриб борсин.

2. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдорини белгилаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

тижорат банклари учун — сўм эквивалентида 5 млн евро миқдорида;

хусусий банклар учун — сўм эквивалентида 2,5 млн евро миқдорида.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда 2008 йил мобайнида тижорат ва хусусий банкларнинг устав капиталларини кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқлаштириш тадбирларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда амалга оширишни таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, банк фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир. Бунда тижорат банклари томонидан мазкур фаолият турларини амалга оширишга алоҳида лицензия олиш талаб қилинмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва суғурта компанияларига бир ой муддатда қуйидагилар бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этилсин:

банк муассасалари, шу жумладан мини-банклар, махсус кассалар, валюта айирбошлаш шохобчалари тармоқларини озиқ-овқат (деҳқон) бозорлари ҳудудларида жойлаштирган ҳолда кенгайтириш ҳамда дам олиш ва байрам кунларида белгиланган тартибда ишлашини мажбурий таъминлаш;

озиқ-овқат (деҳқон) бозорларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жамғарма ҳамда муддатли депозитларга, шу жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушадиган бўш пул маблағларни омонатчиларга маблағ сақланадиган ҳар бир куни учун фоизли даромад қўшган ҳолда вақтинча сақлашга жалб этиш;

деҳқон хўжаликлари, савдо-харид фирмалари ва бошқа кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш ва микромолия, шунингдек озиқ-овқат (деҳқон) бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурталаш бўйича хизмат кўрсатиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки ва тижорат банклари бир ой муддатда ҳудудлар доирасида ҳар бир тушум манбалари бўйича пул оқимининг ўзгариши, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумини тўлиқ топширгани ва топширишдан бўйин товлагани тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топиши таъминланган тезкор ахбо-

***1-2-иловалар «Норма маслаҳатчи»да чоп этилмайди.**

ротни кундалик айирбошлашнинг умумреспублика ягона электрон тармоғини жорий этсин.

6. Қуйидагилар 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб 3 йил муддатга:

юридик шахсларнинг тижорат банкларининг депозитларига ва қарз қимматли қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинган фоизли даромадлари солиқ солишдан;

Республика инкассация бирлашмаси — бўшайдиган маблағларни инкассация хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтириш шарти билан қўшилган қиймат солиғи ва мулк солиғи тўлашдан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 7 ноябрь*
*ПҚ–726-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «МАҲСУЛОТЛАР, ХОМ АШЁ ВА МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ЮҚОРИ ЛИКВИДЛИ ТУРЛАРИНИ СОТИШНИНГ БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ТЎҒРИСИДА» 2004 ЙИЛ 5 ФЕВРАЛДАГИ 57-СОН ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 43-сон, 429-модда)*

Биржа савдоларида моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотишда шартнома мажбуриятлари бажарилиши учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда) 2-бандининг еттинчи хатбошидаги «2» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 23 октябрь*
*222-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,*
*ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ДОН НАРХЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ФАРҚНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 октябрда 1729-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 43-сон, 434-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ҳисоб-китоблар учун Фонд ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–2165-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Илова қилинаётган Дон нархлари ўртасидаги фарқни тартибга солиш тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*83-сон*

***Иқтисодиёт вазири***
***Б.ХОДЖАЕВ.***
*28-сон*

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
***Б.ПАРПИЕВ.***
*2007-51-сон*

*Тошкент ш., 2007 йил 10 сентябрь.*

---

***2007 йил 30 октябрдан кучга киради.***

*Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 10 сентябрдаги 83, 28, 2007-51-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН*

## ДОН НАРХЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ФАРҚНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ҳисоб-китоблар учун Фонд ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–2165-сон Фармонига мувофиқ дон нархлари ўртасидаги фарқни тартибга солишни белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом давлат эҳтиёжлари учун дон харид қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда сотиш фаолиятини амалга оширувчи, «Ўздонмаҳсулот» таркибига кирувчи барча хўжалик юритувчи субъектларга, жумладан дон қабул қилиш корхоналари, элеваторлар, тегирмонлар, ёрма, омихта ем ва уруғни қайта ишлаш корхоналари ва бошқа дон маҳсулотлари корхоналари (кейинги ўринларда — корхоналар)га татбиқ этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси билан келишилган ҳолда дон экинларининг прейскурант харид нархини белгилайди ва тасдиқлайди;

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси билан биргаликда дон экинларининг ўртача харид нархидан ва қайта ишлаш корхоналарининг харажатларидан келиб чиқиб дон, қўшимча маҳсулотлар ва донни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг эркин улгуржи-сотиш нархини ва давлат ресурсидаги уннинг улгуржи-сотиш ҳамда ундан пишириладиган қолипли нон чакана нархининг чегараланган даражасини белгилайди.

3. Дон ва дон маҳсулотлари қолдиғи ва ҳаракати, шунингдек моддий жавобгар шахслар фаолияти устидан ишончли назоратни ўрнатиш мақсадида, корхона уларнинг қийматини улгуржи-сотиш нархида ҳисобга олиб боради.

### II. НАРХЛАР ЎРТАСИДАГИ ФАРҚЛАРДАН МАБЛАҒЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

4. Давлат эҳтиёжлари учун дон сотиб олишда доннинг харид (прейскурант ёки шартнома) ва улгуржи-сотиш нархлари ўртасида ижобий ёки салбий фарқ юзага келади.

5. Дон нархлари ўртасидаги фарқ (ижобий ёки салбий) дон, қўшимча маҳсулотлар ва донни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг улгуржи-сотиш нархларини қайта кўриб чиқилиши натижасида, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи барча корхоналардаги ҳақиқий қолдиқларининг қайта баҳоланиши ҳисобига ҳам юзага келади.

6. Дон маҳсулотлари корхоналарида доннинг харид (прейскурант ёки шартнома) ва улгуржи-сотиш нархлари ўртасидаги ҳамда дон, қўшимча маҳсулотлар ва донни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг аввал амалда белгиланган ва янги киритилаётган улгуржи-сотиш нархлари бўйича қайта баҳолашдан юзага келган ижобий фарқлар суммаси (кейинги ўринларда — ижобий фарқ ва қайта баҳолаш маблағлари) мутаносиб равишда 1810 «Доннинг республика ичидаги улгуржи-сотиш ва харид нархлари ўртасидаги ижобий (салбий) фарқлар» ва 1820 «Республика ичида улгуржи-сотиш нархларининг ўзгариши муносабати билан дон нархини ошириш (камайтириш)» баланс ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади.

7. Ижобий фарқ ва қайта баҳолаш суммалари корхонанинг даромади ҳисобланмайди ва дон маҳсулотлари корхоналари ушбу маблағни дон, қўшимча маҳсулотлар ва донни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндиларни сотилиш ҳажмига мутаносиб равишда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунигача, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг бюджетдан ташқари махсус ҳисобварағига кейинчалик 2 банк кунида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисобварағига кўчириши учун ўтказиб беради.

8. Дон маҳсулотлари корхоналарида сақланаётган давлат захирасидаги дон янги қўлланиладиган улгуржи-сотиш нархи даражасида қайта баҳоланади ва қайта баҳолаш ҳисобига вужудга келган сумма Давлат бюджети маблағи сифатида ҳисобга олинади ҳамда давлат захирасидаги донни сақлаш бўйича харажатларни молиялаштириш учун фойдаланилади.

9. Доннинг харид нархи улгуржи-сотиш нархидан юқори бўлган ҳамда дон, қўшимча маҳсулотлар ва донни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг қолдиқлари улгуржи-сотиш нархларини ўзгариши ҳисобига арзонлаштирилган ҳолатларда салбий фарқ юзага келади ва бу фарқ кейинчалик қайд қилинган маҳсулотларни сотилиш ҳажмига мутаносиб равишда корхоналарнинг 1810 «Доннинг республика ичидаги улгуржи-сотиш ва харид нархлари ўртасидаги ижобий (салбий) фарқлар» ва 1820 «Республика ичида улгуржи-сотиш нархларининг ўзгариши муносабати билан дон нархини ошириш (камайтириш)» баланс ҳисобварақларида мос равишда ҳисобга олиб борилган ижобий фарқ ва қайта баҳолаш маблағлари ҳисобидан қоплаб борилади.

### III. НАРХЛАР ЎРТАСИДАГИ ФАРҚЛАРДАН МАБЛАҒЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ФОЙДАЛАНИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари белгиланган тартибда:

харид (прейскурант ёки шартнома) ва улгуржи-сотиш нархлари ўртасида ижобий фарқни ҳамда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинган дон, қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилар қолдиқларини қайта баҳолаш ҳисобига улар қийматининг ошиши натижасида юзага келадиган маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ жамланиши ҳамда «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг бюджетдан ташқари махсус ҳисобварағига ўтказиб берилиши ва кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисобварағига ўтказилиши;

доннинг харид нархи улгуржи-сотиш нархидан юқори бўлганда ҳамда дон, қўшимча маҳсулотлар ва донни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг қолдиқлари улгуржи-сотиш нархларини ўзгариши ҳисобига арзонлаштирилганда юзага келадиган салбий фарқни ҳисобга олишни тўғрилиги устидан тек-

ширишларни амалга оширади.

11. Харид (прейскурант ёки шартнома) ва улгуржи-сотиш нархлари ўртасида ижобий (салбий) фарқ ҳамда давлат эҳтиёжи учун харид қилинган дон, қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилар қолдиқларини қайта баҳолаш ҳисобига улар қийматининг ошиши (камайиши) натижасида юзага келадиган маблағлар бўйича маълумотларнинг объективлиги ва ҳаққонийлигига дон корхоналарининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари жавобгар бўладилар.

## IV. ЯКУНИЙ ҚОИДА

12. Ушбу Низом «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси билан келишилган.

***«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг раиси***
***Э.ҚУДРАТОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 10 сентябрь.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2007 ЙИЛ 23 ОКТЯБРДАГИ ПФ–3931-СОНЛИ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БЎЙИЧА ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 6 ноябрда 1736-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 45-сон, 455-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ–3931-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ–3931-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2007 йил 16 ноябрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2007 йил 19 июлдаги М-37 ва 74-сонли қарори, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ–3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» (2007 йил 23 июль, рўйхат рақами 1699 — Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 29-30-сон, 314-модда);

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2007 йил 26 октябрдаги М-42 ва 97-сонли қарори, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ–3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш киритиш ҳақида (2007 йил 29 октябрь, рўйхат рақами 1699-1).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

***Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б.***
***А.ҲАИТОВ.***
*М-43-сон*

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*99-сон*

*Тошкент ш., 2007 йил 5 ноябрь.*

---

***2007 йил 16 ноябрдан кучга киради.**

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 5 ноябрдаги М-43, 99-сонли қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2007 ЙИЛ 23 ОКТЯБРДАГИ ПФ–3931-СОНЛИ "ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ АСОСИДА ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ–3931-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандига биноан пенсия ва ижтимоий нафақаларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. Кўрсатиб ўтилган Фармонга мувофиқ 2007 йилнинг 16 ноябридан қуйидагиларнинг энг кам миқдорлари белгиланади:

а) энг кам иш ҳақи — ойига 18630 сўм;

б) ёшга доир пенсиялар — ойига 36900 сўм;

в) болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 36900 сўм;

г) зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 22350 сўм.

2. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инобатга олинади (18630 сўм x 8 = 149040 сўм).

3. Пенсия қайта ҳисобланадиган ўртача ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун, иловага мувофиқ йиллар бўйича дифференцияланган янги тузатувчи коэффициентлар ўрнатилади.

4. Пенсионернинг иш ҳақлари тўғрисида маълумотлар бўлмаган ёки ўртача бир ойлик иш ҳақининг тузатувчи коэффициент қўлланилгандан кейинги янги миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори (18630 сўм)га етмаса, пенсияни қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялар, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун таянч миқдорлар ойига 36900 сўм, III гуруҳ ногиронлик ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 18450 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажи учун пенсиялар миқдорини ошириш янги энг кам иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III гуруҳ ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

5. Янги ўртача ойлик иш ҳақининг миқдори 18630 сўмдан 67090 сўм 91 тийингача (III гуруҳ ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун 61500 сўм) бўлган миқдорни ташкил этган ҳолларда пенсияларни қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялари, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун пенсиянинг таянч миқдори ойига 36900 сўм миқдорда, III гуруҳ ногиронлик пенсиялари ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 18450 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажи учун пенсиялар миқдорини ошириш янги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир пенсиялар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III гуруҳ ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

6. Пенсионерлар бошқа тоифаларининг пенсияларини қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

янги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг саккиз ҳиссаси билан чегараланади (149040 сўм);

олинган ўртача ойлик иш ҳақи, иш стажига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фоизларга кўпайтирилади.

7. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан (18630 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ–3931-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони асосида пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисида йўриқномага*
*ИЛОВА*

## ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШДА ЎРТАЧА ОЙЛИК ИШ ҲАҚИНИ ТЕНГЛАШТИРИШ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТУЗАТУВЧИ КОЭФФИЦИЕНТЛАР

| Даврлар | Коэфф. | | Даврлар | Коэфф. |
|---|---|---|---|---|
| 1971 йил йилга қадар | **776,7870** | | 1994 йил 1 январдан | **0,9630** |
| 1971 йил | **757,0230** | | 1994 йил 1 мартдан | **0,5776** |
| 1972 йил | **738,2190** | | 1994 йил 1 июндан | **0,3856** |
| 1973 йил | **714,6060** | | 1994 йил 1 июлдан | **381,6886** |
| 1974 йил | **666,6690** | | 1994 йил 1 августдан | **312,8970** |
| 1975 йил | **652,0396** | | 1994 йил сентябрдан | **272,0190** |
| 1976 йил | **638,0490** | | 1994 йил 1 ноябрдан | **211,0590** |
| 1977 йил | **620,3400** | | 1995 йил 1 январдан | **211,0590** |
| 1978 йил | **599,4826** | | 1995 йил 1 мартдан | **106,8436** |
| 1979 йил | **587,6760** | | 1995 йил 1 сентябрдан | **82,2676** |
| 1980 йил | **572,5966** | | 1996 йил 1 январдан | **82,2676** |
| 1981 йил | **561,8160** | | 1996 йил 1 апрелдан | **61,1550** |
| 1982 йил | **561,7516** | | 1996 йил 1 сентябрдан | **42,6750** |
| 1983 йил | **551,4196** | | 1997 йил 1 январдан | **42,6750** |
| 1984 йил | **551,3566** | | 1997 йил 1 июлдан | **29,7120** |
| 1985 йил | **544,6816** | | 1998 йил 1 январдан | **29,7120** |
| 1986 йил | **538,1370** | | 1998 йил 1 июлдан | **21,6270** |
| 1987 йил | **525,4306** | | 1999 йил 1 январдан | **17,7120** |
| 1988 йил | **490,8420** | | 1999 йил 1 августдан | **13,7970** |
| 1989 йил | **460,4250** | | 2000 йил 1 августдан | **8,9850** |
| 1990 йил | **415,5060** | | 2001 йил 1 августдан | **6,4186** |
| 1991 йил | **286,7146** | | 2002 йил 1 апрелдан | **5,5816** |
| 1992 йил 1 январдан | **84,7710** | | 2002 йил 1 августдан | **4,8526** |
| 1992 йил 1 июлдан | **39,6570** | | 2003 йил 1 майдан | **4,0440** |
| 1992 йил 1 октябрдан | **19,0606** | | 2004 йил 1 августдан | **3,1110** |
| 1993 йил 1 январдан | **14,0550** | | 2005 йил 1 майдан | **2,5920** |
| 1993 йил 1 апрелдан | **10,0770** | | 2005 йил 1 октябрдан | **2,1600** |
| 1993 йил 1 июндан | **4,3006** | | 2006 йил 1 июлдан | **1,8000** |
| 1993 йил 1 июлдан | **2,7616** | | 2006 йил 1 ноябрдан | **1,5000** |
| 1993 йил 1 сентябрдан | **2,1180** | | 2007 йил 1 августдан | **1,2000** |
| 1993 йил 1 ноябрдан | **1,2856** | | 2007 йил 1 ноябрдан | **1,1000** |
| | | | 2007 йил 1 декабрдан | **1,0000** |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## «1-(КИЧИК БИЗНЕС) ШАКЛИ БЎЙИЧА МИКРОФИРМА ВА КИЧИК КОРХОНА ҲИСОБОТИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ БУЙРУҚНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 6 ноябрда 1119-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 45-сон, 459-модда)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолияти тўғрисида»ги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 7-модда; 2005 й., 8-сон, 44-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг 2002 йил 27 февралдаги 7-сон «1-(кичик бизнес) шакли бўйича микрофирма ва кичик корхона ҳисоботини тузиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2002 йил 28 март, рўйхат рақами 1119 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 6-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кун ўтгач кучга киради.

3. Мазкур қарор Молия вазирлиги билан келишилган.

***Давлат статистика қўмитаси раиси Ғ.ҚУДРАТОВ.***
*6-сон*

***КЕЛИШИЛДИ: Молия вазири Р.АЗИМОВ.***

*Тошкент ш., 2007 йил 29 октябрь.*

***2007 йил 16 ноябрдан кучга киради.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## «МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ВА ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ БУЙРУҚНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 6 ноябрда 1195-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 45-сон, 460-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолияти тўғрисида»ги 8-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 7-модда; 2005 й., 8-сон, 44-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг 2002 йил 26 ноябрдаги 24-сон «Молиявий натижалар ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида ҳисоботни тузиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2002 йил 19 декабрь, рўйхат рақами 1195 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 23-24-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кун ўтгач кучга киради.

3. Мазкур қарор Молия вазирлиги билан келишилган.

***Давлат статистика қўмитаси раиси Ғ.ҚУДРАТОВ.***
*3-сон*

***КЕЛИШИЛДИ: Молия вазири Р.АЗИМОВ.***

*Тошкент ш., 2007 йил 29 октябрь.*

***2007 йил 16 ноябрдан кучга киради.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ,
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАР ВА «МИКРОКРЕДИТБАНК» КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ҲИСОБИДАН МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 8 ноябрда 1548-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 45-сон, 461-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонунлари асосида **қарор қиламиз:**

1. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес

***2007 йил 18 ноябрдан кучга киради.**

субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низом (2006 йил 21 февраль, рўйхат рақами 1548 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 8-сон, 60-модда)га иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

*Марказий банк*
*Бошқаруви раиси*
***Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***
*273-В-2-сон*

*Молия вазири*
***Р.АЗИМОВ.***
*94-сон*

*Тошкент ш., 2007 йил 12 октябрь.*

*Марказий банк Бошқаруви ва*
*Молия вазирлиги томонидан 2007 йил*
*12 октябрдаги 273-В-2, 94-сонли қарорига*
*ИЛОВА*

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАР ВА «МИКРОКРЕДИТБАНК» КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ҲИСОБИДАН МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Кириш қисмидаги «Низом» сўзидан кейин «Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида» Қонуни» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. 36-бандда:

биринчи хатбошидаги «кичик бизнес субъектлари» сўзларидан кейин «қишлоқ жойларида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари» сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда ажратилаётган кредит маблағлари хизмат кўрсатиш соҳасида янги ташкил этилаётган корхоналарни фақат технологик жиҳозлаш мақсадларига йўналтирилади».

3. 37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлар якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан ҳамда юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда берилади».

4. 39-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун, жумладан, аҳолига маиший, тиббий, сайёҳлик-экскурсия ва меҳмонхона хизмати кўрсатиш, автомобиллар ва бошқа техника таъмири бўйича хизмат кўрсатиш, транспорт хизмати кўрсатишни ривожлантириш учун Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 45 фоизи миқдоригача».

5. 63-банд қуйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«қарз олувчи олинган микрокредитни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатларда тўламаган тақдирда банк Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддасига кўра ушбу микрокредитни кафилнинг банк ҳисобварағидан кафиллик шартномасида белгиланган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга».

6. 72-бандда:

учинчи хатбошидаги «5000 АҚШ доллари эквиваленти миқдорида» сўзлари «энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда» сўзлари билан;

тўртинчи хатбошининг биринчи жумласидаги «10000 АҚШ доллари эквиваленти» сўзлари «энг кам иш ҳақининг 1000 баравари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий*
*муҳофаза қилиш вазири в.б.*
***А.ҲАИТОВ.***

*Монополиядан чиқариш, рақобат ва*
*тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш*
*давлат қўмитаси раиси в.б.*
***Б.УЛАШЕВ.***

*Савдо-саноат палатаси раиси*
***А.ШАЙХОВ.***

*Ўзбекистон фермер хўжаликлари*
*уюшмаси раиси*
***С.ҚОБИЛОВ.***

*Тошкент ш., 2007 йил 12 октябрь.*




БИЗ БИЛАН БЎЛИНГ!
COSCOM
www.coscom.uz

КОРПОРАТИВ
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

- Сифатли хизмат кўрсатиш ва масалаларни тезкор ҳал қилиш
- Қўшимча ва тармоқ хизматларини бепул тақдим этиш (рўйхатга мувофиқ)
- Қўнғироқларни тарификациялашнинг ягона ҳудуди
- Якка тартибда ёндашув

Батафсил ахборотни
(+99893) 3820909, [illegible], 1800017, 3837373 телефонлари орқали олиш мумкин
E-mail: corporate@coscom.uz
Хизматлар лицензияланган
(ЎзААА берган АА 0001818-сон)

**Компьютеры** HP Compaq dc5700 D945-3.4 4mb/1Gb/80Gb/DVD/ XP
**Мониторы 17" и 19"** Samsung 793DF, 710N, 940N LCD, Philips 170C6FS
**Принтеры** Canon LBP 2900, HP LJ 1018, P2015d, HP LJ 1600 **color**
**Фотокамеры HP photosmart** E337/R837/967. **Картриджи**
**Фотопринтеры HP DJ1460. Сканеры** HP SJ2400, 3800 photo
**Копиры и многофункц. машины:** Canon iR2015J(A3), MF 3228, HP LJ M1005
**Факсы** Panasonic KX-FT932/934/938CA-B. **Картриджи**
ЧП «KM SUBSYSTEMS» ул. К.Ярматова, 14, 2-й этаж
Тел.: 2457176, 2459444, 1449916. Тел./факс 1449916
E-mail: kmj@sarkor.uz
PR_041_07

Товар сертификатланган
"KOMTEL" МЧЖ
Ўзбекистонда биринчи марта!
TELTA, VOXTEL, TELEFON, TELEX савдо маркаларининг ягона дистрибьютори пул ўтказиш йўли билан ва накд пулга Россияда ишлаб чиқарилган симли телефонлар, радиотелефонлар ва АОНларни тақдим этади.
Маҳсулотга 1 йилга кафолат берилади.
Минтақавий улгуржи дилерларни ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.



Тел.: 370-1834, 150-0221, 136-2788, 136-0002. Факс 134-2631
PR_046_07




Многофункциональные печатные устройства
SHARP



принтер
сканер
копир

Официальный дистрибьютор - ООО Sharifa-T
Тел.: (99871) 137-6803, 137-6804, 137-6167

*Хорижий тажриба*

# 2016 ЙИЛ КАСБЛАРИ

***АҚШда энг кўп фойда келтирадиган ва келгуси ўн йилда уларга эҳтиёж кўп бўладиган касбларнинг рўйхатини тузишди. Аниқланишича, 2016 йилда компьютер тармоғи мутахассислари, тиббиёт ходимлари, молиявий таҳлилчилар ҳаммадан яхши яшайдилар ва ишлайдилар.***



Рўйхатга ўртача иш ҳақи йилига 50 минг доллардан ортадиган ва инсон ҳаётига, соғлиғига хавф солмайдиган касбларгина киритилган. Шу билан бирга ушбу лавозимда ишлаш руҳий ва жисмоний жиҳатдан қанчалик оғирлиги, унинг ижодий тусдалиги, тегишли маълумотли кишилар касби бўйича ишга жойлаша олиши қараб чиқилган.

Терапевтлар ва жарроҳлар дастлабки ўнликка киритилган, чунки бу касбларни эгаллаш учун узоқ вақт ўқишга тўғри келади, бунинг устига бу соҳада рақобат жуда кучли. Айни шу сабабларга кўра тиш докторлари ва юристлар, гарчи уларнинг йиллик иш ҳақи 100 минг доллардан ошса ҳам, бу рўйхатга кирмаган.



Рўйхатда **дастурий таъминлаш муҳандислари** биринчи ўринда туради, уларнинг ўртача иш ҳақи йилига 80,5 минг долларга тўғри келади. Бундай мутахассисликнинг афзаллиги уларнинг масофадан туриб ишлай олишидадир. У математикага қобилиятли ва таҳлилга мойил бўлиши керак. Компьютерда ишлашдан кўзнинг хиралашиши ва бел оғриши бу касбнинг ёқимсиз томонларидир.

**Коллеж ўқитувчиси** касбига ҳам эҳтиёж кўп бўлади, чунки ўқувчилар миқдори мунтазам кўпайиб бормоқда. Ўқитувчи дарс жадвалини ўзи тузиши ва дресс-код йўқлиги бу касб афзаллигидир. Иш бошлаган вақтда маош унча кўп бўлмаса ҳам касб бўйича ўсиш имконияти бўлади. Таълим соҳасида энг кўп иш ҳақи тўланадиган лавозим – университет президентидир.

**Молиявий маслаҳатчи** касби рўйхатда навбатдаги ўринда туради. Фақат бадавлат одамлар эмас, балки АҚШда мунтазам кўпаётган бадавлат пенсионерлар ҳам молиявий режалаштиришга муҳтож бўлишлари сабабли бу касбга эҳтиёж ортади. Бу касб фақат бирорта корпорация ёки фирмада ишлашни назарда тутмайди, ўзи учун ҳам ишлаши мумкин. Тадқиқотчилар қоғоз ишлари кўплигини унинг салбий томони деб ҳисоблайдилар. Бу соҳадаги энг юқори лавозим мижознинг молиявий соҳасини бошқарувчи маслаҳатчидир.

**Кадрлар бўйича мутахассис** бир йилда ҳатто бир миллион доллар ишлаши мумкин. Тўғри, бунинг учун у трансмиллий компанияда ишлаши керак. Одамларнинг ўз ишига қандай муносабатда бўлиши сизга боғлиқлиги бу касбнинг ёқимли томони, унинг одамларни ишдан бўшатиш билан боғлиқлиги ёқимсиз томонидир.

Етакчи бешликдаги охирги ўринда шифокор ёрдамчиси, ассистенти туради. Бу касб ҳамиша керак бўлади, чунки инсоният кексаяди, демак кўп касал бўлади. Лекин мансабда катта ўсиш кутилмайди, ўзи мустақил бирор қарор ҳам қабул қила олмайди. Бироқ ҳафтасига иш вақти 40 соатдан ошмайди. АҚШда кардиохирург ассистентининг иш ҳақи йилига 100 минг доллардан ортади.

**Бозорни тадқиқ этувчи мутахассис, IT маъмури, кўчмас мулкни баҳоловчи, фармацевт ва психолог** эҳтиёж энг кўп бўлган касбларнинг иккинчи бешлигига киради.

Россияда ўтказилган худди шу каби тадқиқотларнинг натижасида, юқоридаги касблардан ташқари, ходимлар бўйича мутахассислар, банкларнинг истеъмол кредити бериш бўйича экспертлари, манзара дизайнерлари, аудиторларга талаб кўп бўлиши аниқланди. Аммо ҳозирги пайтда тор доирадаги айрим техник мутахассисларга талаб катта. Мамлакатда фақат ижодий қобилият эмас, «қўл билан» ишлай олиш ҳам қадрланмоқда.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

AGATA IMPEX LTD
TOSHIBAнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОРИ
СУМКАЛАР
Business case



НОУТБУГИНГИЗНИ ОЛГАНДА УНИНГ ҲИМОЯСИНИ УНУТМАНГ
TOSHIBA Leading Innovation
НОУТБУКЛАР
ҚОЙИЛМАҚОМ ИШ
ВА АЖОЙИБ ҲОРДИҚ УЧУН



"УЙ ВА ОФИС УЧУН"
"КЎРКАМ ВА НАФИС"
"КОРПОРАТИВ ЕЧИМ"
Кафолат 2-3 йил
Руслаштирилган лицензион Windows XP дастурий таъминоти
ToshibaEasyGuard техникаси ноутбугингиз тартиби посбони
ПРОЕКТОРЛАР



TDP-P8
TDP-S35
TLP-XD2000
ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН ВА ЮҚОРИ ЁРҚИНЛИК
Тошкент ш., 100000, Шаҳрисабз кўч., М-1"Б" (мўлжал – собиқ "ТАТА" меҳмонхонаси)
Тел.: 133 0500, 136 0779
Факс 136 7902
E-mail: agata@agatagroup.com
www.agatagroup.com
*Товар сертификатланган

РЕКЛАМА



Бизнес П
144 02 01
144 02 40

www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

«Gamma-Elektro» товар сертифицирован
ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ И НА ЗАКАЗ:
КАБЕЛЬ
СИЛОВОЙ АВВГ 2х2, 5 - 4х240 ААШВ; АСБ; 3х95-3х240
С ИЗОЛЯЦИЕЙ ИЗ СШИТОГО ПОЛИЭТИЛЕНА от 10 до 110 кВ
Термоусаживаемые муфты от 1 до 35 кВ - СТп, КВТп, КНТп.
ВОЛОКОННО-ОПТИЧЕСКИЙ КАБЕЛИ СВЯЗИ МКСБ, ТЗГ, ТЗАШп, ЗКП
ЛАМПЫ (L18W OSRAM, ЛД-20; 40; 80, ДРЛ 125-700, ДНАТ 250; 400)
СВЕТИЛЬНИКИ (ЛПО, ЛСП, РСП, РКУ, ПЗМ и.т.д.)
ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛИ
Счетчики электроэнергии одно и трёхфазные, многотарифные
ДИЗЕЛЬ-ЭЛЕКТРОСТАНЦИИ
Тел./факс: 8 (371) 136-01-54, 133-12-84.
E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

РЕКЛАМА
СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ
144-02-01
144-02-40







Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «СБХ» таҳририятига 144-44-45 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.

www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

*Ҳар тўғрида*

## ЮТУҚ $370 МЛН

Mega Millions лотереяси туфайли бирданига икки америкалик миллионерга айланди. Улар мамлакат тарихидаги рекорд ютуқ – 370 миллион долларни бўлиб олишади.

Ҳозирча омадлилардан фақат бирининг номи маълум. У Жоржиянинг шимоли-ғарбилик юк машинаси ҳайдовчисидир. 52 яшар Эд Нейборс пулнинг ҳаммасини бирйўла олмоқчи бўлди. Шу муносабат билан барча солиқлар тўланиши ҳисобга олинганда ютуқ миқдори 80 миллион долларгача камайди. Янги миллионернинг айтишича, у вагонда яшаётган қизи учун уй ва янги қайиқ сотиб олмоқчи.

Бу воқеа америкаликлар орасида ҳақиқий шов-шув кўтарилишига сабаб бўлди. Чунончи, айрим штатларда лотерея билетларини харид қилиш учун узундан-узун навбат кутувчилар пайдо бўлди. Вирджиния штатида эса билетлар бир дақиқада 8550 дона тезлигида сотилди.

## НОМАТЛУБ СЎЗЛАР

Яқинда қабул қилинган қонунга кўра Россия давлат хизматчилари одамлар орасида гапирганда «доллар» ва «евро» сўзларини ишлатишлари номатлубдир.

Бундан ташқари, президентнинг «Давлат хизматчилари хизмат хулқининг умумий қоидалари тўғрисида»ги фармонига киритилган ўзгартишларда товарлар, ишлар, хизматлар қийматини омма ўртасида шартли бирликларда белгилашдан тийилиш тавсия қилинади. Маълумотларни аниқ маълум қилиш ҳоллари ёки Россия қонунларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир. Дума ва Федерация Кенгаши регламентларига ҳам худди шундай тузатишлар киритилади.

## ХАЗИНАНИ ҚАЕРДАН ТОПСА БЎЛАДИ?

Японияда ғаройиб ҳодиса юз берди – экскаваторчи ишлаётган пайтда ичига ярим миллионга яқин АҚШ доллари солинган қутича топиб олди. Япон хазина топиб, тўғри полицияга шошилди, ўз мамлакатининг ҳалол фуқароси сифатида воқеани тартиб посбонларига сўзлаб берди.

Ҳозир маъмурлар бу пулнинг эгаси кимлигини аниқлашга ҳаракат қилишмоқда. Ҳозирча улар бу пуллар ер тагида анча вақтдан буён ётганини аниқлашди. Маҳаллий қонунларга кўра ярим йилдан кейин хазинанинг ҳуқуқий эгаси аниқланмаса, у топган одамники бўлади. Тўғри, бу ҳолда экскаваторчи пулдан 30 фоиз солиқ тўлашига тўғри келади.

## КЕЛИН ЎҒИРЛАШГА СОЛИҚ

Келинни ўғирлаш Шимолий Кавказда энг қадимий одатлардан бири. Лекин чечен қишлоқларининг оқсоқоллари ота-боболарнинг анъаналари ватаннинг иқтисодий манфаатига хизмат қилиши мумкин, деган қарорга келишди.

Уларнинг фикрича, куёв келинни ўғирлаб кетгани учун маҳаллий бюджетга 30 минг рубль миқдорида, куёвжўраларнинг ҳар бири эса беш минг рублдан солиқ тўлаши керак.

## СОЛИҚЛАР ТАРИХИДАН

81 йил муқаддам, 1926 йил кузида далай-лама ўз армиясини боқиш учун Тибетда қулоқ солиғини жорий этган. Жангда бир қулоғидан ажраганлар ўшанда биринчи марта ўзларини бахтли ҳис қилишди: улар солиқнинг ярмигина тўлашлари лозим эди. Бу тарихдаги энг ғайритабиий солиқ эмас. Ҳозир ҳам кўп мамлакатлар ўз фуқароларидан ғалати солиқлар олади...

- **Соя солиғи.** 1993 йилдан буён Венеция фуқароларидан олинади. Кафелари, айвонлари, соябонларидан коммунал ерга соя тушадиган дўконларнинг эгалари соя солиғи тўлашади.
- **Куёш солиғи.** Уни Балеар оролларига келадиган сайёҳлар тўлашлари лозим. Бу ерда дам олувчи ҳар бир киши бир кунга бир евро тўлайди.
- **Эркин муҳаббатга солиқ.** Хитойнинг Тяньцзинь шаҳрида севишганлар никоҳ гувоҳномасисиз бирга яшагани учун бир йилда 120 доллар тўлаши лозим.
- **Рақс солиғи.** Мисрда расмий равишда рўйхатдан ўтган ҳар бир раққоса солиқ тўлайди. Қорин рақсидан ҳар йили тушадиган тушум 264 миллион долларга етади, деб ёзади "Антенна" газетаси.
- Энг ғалати солиқлар сони жиҳатидан Тибет биринчи ўринда туради. Бу ерда фуқаролар тўйга, фарзанд туғилганига, қўшиқ айтиш, рақс тушиш ҳуқуқи учун, қўнғироқ ва дўмбира чалиш ҳуқуқи учун солиқ тўлашлари лозим эди. Йўл юриб чарчаган одамнинг ҳатто ўт устида ётиб мудрашига йўл қўйилмас эди: бунинг учун у ер эгасига солиқ тўлаши лозим эди. XIX-XX асрлар чегарасида давлат фойдасига 1892 хил солиқ олинарди!
- Ўрта асрларда Голландияда дераза учун солиқ тўлашган. Шу сабабли Амстердамда эски уйларнинг кўчага қараган томонлари жуда тор қилиб қурилган.

XX аср бошларида Олтой ўлкасида дарёнинг муз синдирилган жойида кир чайқагани учун бир қишга 20 тийин солиқ тўланар эди. Обкаш билан ҳар гал сув олиб келишга 2 тийин тўлашар эди.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

Иқтисодий–ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ
ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100000, Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майд., 10а.
E-mail: normapress@mail.ru
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов
2 3 4 5 6

*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.*

*Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*

*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди (Тошкент ш., Буюк Турон кўч., 41).
Буюртма Г-1063. Адади 7340. Баҳоси келишилган нархда
***Газета 2007 йил 22 ноябрда соат 19.30 да топширилди.***